Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган туб ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг катта ютуғидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
6-noyabr
chorshanba
№ 44 (1419)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:

ЯГОНА ЎТМИШ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) саммити тадбирларида иштирок этиш учун Бишкек шаҳрига ташриф буюрди.



Туркий давлатлар ташкилотига бешта давлат – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо ҳисобланади. Венгрия, Туркманистон ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ушбу тузилмада кузатувчи мақомига эга.

“Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда, — деган эди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йили Остона шаҳрида бўлиб ўтган ТДТ саммитидаги нутқида. — 175 миллион аҳолини қамраб олган Ташкилотимиз ҳудуди катта иқтисодий имкониятлар макони ҳамдир. Бизнинг мамлакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқалари ўрнатганини катта мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман”.

Эслатиб ўтамиз, Туркий давлатлар ташкилотининг амалдаги номи Ўзбекистон Президенти таклифи билан 2021 йил 12 ноябрда татбиқ этилган. Бундан аввал эса тузилма Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан юритилган.

Бугунги кунда ТДТ барча устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали халқаро тузилмага айланди. Ташкилот давлатларининг умумий ялпи ички маҳсулоти 1,6 триллион долларни ташкил этади ва 2024 йил охирига келиб туркий давлатлар иқтисодиёти 1,9 триллион долларга етиши кутилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг асосий мақсади — қардош давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, туризм, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни илгари суришнинг концептуал асоси 2021 йилнинг ноябрь ойида Истанбул шаҳрида давлат раҳбарларининг 8-саммити якунлари бўйича қабул қилинган “Туркий нигоҳ – 2040” концептуал дастуридир.

Аъзо давлатлар ўз олдига ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро муносабатларни муҳокама қилиш ва чуқурлаштириш учун платформа яратиш, ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақада ва бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш вазифаларини қўйган. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар умумий манфаатларга эга бўлган ташқи сиёсат масалалари бўйича, жумладан, халқаро ташкилотлар ва форумлар доирасида келишилган позицияларни ишлаб чиқишдан манфаатдор.

2-6.

ЧОРЛОВ

Энг қадрдон газета



Саксонинчи йилларнинг охири – тўқсонинчи йилларнинг бошларида эрталаб нонушта олдидан киоскадан бир даста газета сотиб олиш, янгиликларни биринчи бўлиб ўқиш, қизиқарли мавзудаги “бомба” мақолаларни ютоқиб ўқиб, телефон орқали ўқимаганларнинг юрагига чўғ ташлаш одатий ҳолат эди. Мустақиллик арафасида “ухлаб” ётган зиёлиларни уйғотиш матбуотнинг зиммасига тушганди.

Собиқ тузумнинг тушовлари ечилиб, ҳур фикрга йўл очилганида ижодкор зиёлилар, журналистлар бу вазифани кутилганидан ҳам зиёда қилиб бажаришди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бу жараёнда матбуотимизнинг жасоратли карвонбошисига айланди. Ўша йиллари “Туркистон” номи билан чиққан ёшлар газетаси ҳам жонбозлик кўрсатди.

1996 йилдан бошлаб улар сафига “Hurriyat” ҳам қўшилди. Қўшилганда ҳам авжни жуда баланддан олди. Шу уч газета саҳифаларида эълон қилинаётган мақолалар жамиятда ижтимоий фаолликнинг ошишига жиддий туртки берди. Муҳими – энди матбуот аввалгидек қуруқ ҳамду сано, ҳайбаракаллачилик билан шуғулланмаслиги, кўзбўямачиликдан қочиши, ҳақиқатларни очиб, миллатни уйғотишга бел боғлаган экан, унинг сўзи ҳамиша холис, ишончли, кескин ва аёвсиз бўлиши ўз-ўзидан равшан бўлди.

У йиллар ўтди, фақат аввалги ютуқлар билан фахрланиб юрадиган замон эмас ҳозир. Чунки эл-юрт янгиланди, одамларнинг дунёқараши, тафаккури, турмуш тарзи ўзгарди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида “Ўзбошимчалик билан мустақиллик эълон қилганлар эрта-индин узр сўраб қайтиб келишади”, дея писанда қилганлар бугун янги Ўзбекистоннинг дунё сиёсатидаги салмоқли ўрнини, ўзлари учун бироз ўнғайсиз бўлса-да, эътироф этишмоқда. Бундай шароитда миллий матбуот зиммасига янада масъулиятли вазифа юкланади. ОАВ бугунги давр шиддатига дош бериши, дунёда, минтақада, яқин қўшнилар ва мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни ёритишда ва қиёсий таҳлил этишда фаол бўлишлари, ҳар бир нашр ўз йўли ва овозига эга бўлиши талаб этилади. Мен “Hurriyat”ни шу маънода ҳамон ўқийман, унинг биринчи сонига имзо чекканим учун ҳам ҳар бир сонини эътиборсиз қолдирмайман, ютуқларидан қувонаман.

Албатта, тўқсонинчи йиллар бошидаги “Hurriyat” билан бугунги “Hurriyat” ўртасида маълум фарқ бор. Шунга қарамай, ўттиз ёшга яқинлашаётган газетанинг овози ҳаётнинг катта синовларига дош бериш учун олис сафарга отланган йигитнинг сўзидай қатъийлашиб бораётгани мени қувонтиради. Кўп мақолалар холис таҳлил, қиёсий мушоҳада, журналистик кузатувга бойлигини сезмаслик мумкин эмас. Яна бир жиҳати – газета ёш ҳамкасбларимизга ўзига хос маҳорат мактабини ўтаб, уларга имкон бермоқда, шу боис мавзулари кенгайиб, муаллифлари сафи ортиб бораётир.

Газетанинг ҳар бир сонида янги фикр айтиш, зарур таклиф ёки ташаббусни жамоатчиликка ҳавола қилиш осон иш эмас. Ана шундай қийин, аммо шарафли йўлни танлагани учун “Hurriyat”чилардан мамнунман.

Ҳеч бир муболағасиз айта оламиз: “Hurriyat” — ўз овозига эга севимли газета. Унга обуна бўлмаслик эса асло мумкин эмас!

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
“Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ДАУИТ АБИБУЛЛАЕВ — УЮШМА БЎЛИМИГА РАИС БЎЛДИ

Кеча Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма бўлими бошқаруви аъзолари, ҳудудий ОАВ масъуллари иштирок этди.



Йиғилишда қатнашган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Президентимиз Шавкат Мирзиёв раҳбарлигида мамлакатимизда очиқликни, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидлади.

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими масъул ходими Қобил Бегимов олиб борган йиғилишда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлим томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар берилди. Галдаги вазифалар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирилди, бўлим раисини сайлаш масаласи муҳокама қилинди.

Кўрсатилган номзодлар орасидан Дауит Абибуллаев Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси этиб сайланди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Пердегул Хожамуратова ва бошқа ижодкорлар сўз олиб, номзодни қўллаб-қувватлади.

Д.Абибуллаев 1964 йил 4 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой шаҳрида туғилган. 1995 йил Қорақалпоғистон давлат университетини тамомлаган. Иш фаолиятини 1985 йилда “Илғалли мийнет” газетаси мухбири сифатида бошлаган. “Қорақалпоғистон” радиоканали муҳаррири, Қорақалпоғистон телевидениеси муҳаррири, “Хўжайли ҳақиқати” газетаси мухбири, “Устоз жолы” газеталари бош муҳаррири, “Еркин Қарақалпақстан” газетаси мухбири, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси ахборот агентлиги шарҳловчиси вазифаларида самарали фаолият олиб борган.


3-6.

СУҲБАТ

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ:

“ҲАҚИҚАТ ШУКИ, МУКОФОТ БИЛАН МОҲИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ”

Ўзбек адабиётида нега Нобель мукофотини олишга қодир ёзувчилар йўқ? Нега бадиий адабиётимиз дунёга чиқишга оқсаяпти? Фикр адабиёти қанақа бўлади? Бугун биз шу каби саволлар билан устоз адиб, моҳир таржимон, таниқли мунаққид, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров билан суҳбатлашдик.



— Ассалому алайкум, устоз! Бугунги адабий жараён ҳақидаги айрим масалаларда фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

Куни кеча халқаро Нобель мукофоти тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда жанубий кореялик ёш ёзувчи Хан Ган мукофотни қўлга киритди. Бу борада ўзбек адабиётида ҳали ушбу нуфузли мукофот олишга қодир ёзувчи-шоирлар йўқми? Бундай улуғ кунлар бизга қачон келади, сизнингча?

— Нобель нишондори бўлганлар, илоҳо, қандини урсин. Жумладан, энг янги нишондор, жанубий кореялик ёш адиб Хан Ганга ҳам бу мукофот муборак бўлсин! Нобель мукофоти халқаро миқёсларда қанчалар обрўли ва қанчалар шарафли бўлмасин, у ҳаётнинг ва инсон муваффақиятлари, инсон сурур мезонининг ўлчови бўлолмайди. Масалан, мен учун, менинг адабий-бадиий муҳаббатим учун Абдулла Орипов Нобель мукофотидан ортиқроқ шоир, унинг ёниб-куйиб Ватан ва халқни севганлари Бродский ёки Эллиотдан ҳеч бир кам эмас. Балки, у ортиқроқ оташ билан суйгандир, ортиқроқ интилиш билан интилгандир озодликка, мадҳиянинг ҳар бир сўзида ҳар бир ўзбекнинг юрагида жўш урган сўзни айтгандир. Биз учун бу ҳар қандай юксак мукофотдан ортиқроқ қадр-қимматга эга. Ўтмишда олти марталаб Ленин мукофоти олган адиблар ўтган эди. Ҳозир ким ўқияпти уларни, ким эл-юртнинг маъракаларида эслаяпти? Ҳақиқат шуки, мукофот билан моҳият ва аҳамият асло ўзгармайди. Нобель мукофоти олмадик деб ёзғириш, менимча, тўғри эмас. Ҳеч нарсада ёзғирмайлик, армон қилмайлик. Одам эканмиз, одамча яшайлик. Ҳар соҳада меҳнатнинг зўрини қилайлик. Шунда биз қўлга киритмаган мукофот, тортиқ қолмайди. Худо ер юзида ҳеч бир халқни иқтидор ва истеъдоддан қисмаган.

— Бугун дунё адабиётида қайси миллат адабиёти етакчилик қиляпти, деб ўйлайсиз? Бунинг омиллари нимада кўринади?

5-6.

БАҒИШЛОВ

“HURRIYAT”

Умримизнинг гуллаган бўстонидирсан, “Hurriyat”,
Кўнглимизнинг беназир осмонидирсан, “Hurriyat”.

Юртимиз қўрғонида меҳрин сочиб учган Ҳумо,
Тинчлигим дарвозасин посбонидирсан, “Hurriyat”.

Ўзбекистон — кўҳна олам ичра тенгсиз масканим,
Ер юзин ардоқлаган қўрғонидирсан, “Hurriyat”.

Яшнагай мангу дуо Соҳибқироннинг кафтида,
Ул адолат соҳибин фармонидирсан, “Hurriyat”.

Чарх урибдур Қодирий бошида ўтган кунларим,
Сен жадидлар етмаган армонидирсан, “Hurriyat”.

Эй, менинг суйган далам, тупроғида унган ниҳол,
Ўтмишимни куйлаган афғонидирсан, “Hurriyat”.

Мен ғазал гулзорида дил излаган Ахтамқули,
Байтларимнинг ошиғи, достонидирсан, “Hurriyat”!

АХТАМҚУЛИ

ОБУНА – 2025




Ўзликни англаш — “Hurriyat”дан бошланади!
2025 йил учун обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 233

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:

ЯГОНА ЎТМИШ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК



1-6.

Минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни барча йўналишларда рағбатлантириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар, капитал, хизматлар, технологияларнинг эркин ҳаракатланиши ва молия-банк операцияларини соддалаштириш, ҳар томонлама ва мувозанатли иқтисодий ўсиш, ижтимоий ва маданий ривожланишга йўналтирилган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳим мақсадлардир.

2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига қўшилган Ўзбекистон учун ушбу тузилмада иштирок этиш нафақат иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки туркий дунёнинг умумий маданий ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон ижтимоий лойиҳаларни илгари суришда ташаббускорлик кўрсатмоқда ва умумий меросни асраб-авайлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ўзини асосий шерик сифатида намоён этмоқда.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилди. Раислик бошланиши 2022 йилнинг ноябрь ойида “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ташкил этилган Самарқанд саммити билан белгиланди.

Ўзбекистон раислиги даврида 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди, амалий ҳамкорлик учун қатор янги платформалар яратилди. Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти, Коинот тадқиқотлари академияси, География кенгаш, Қурғоқчиликнинг олдини олиш институти, Нотариуслар иттифоқи каби тузилмалар фаолият кўрсата бошлади. Бир қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар — БМТ ва унинг ихтисослаштирилган институтлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилди. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон ўз раислиги даврида очиқлик, инклюзивликка асосланган ҳамда турли минтақалар ва цивилизацияларни ўз ичига олувчи ҳамкорликнинг хилма-хил ва мослашувчан шаклларига интилди.

Самарқанд саммити якунлари бўйича “2022-2026 йилларга мўлжалланган Туркий давлатлар ташкилоти стратегияси”нинг қабул қилиниши муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ушбу ҳужжат туркий мамлакатларнинг “Туркий нигоҳ – 2040” концепциясини амалга ошириш бўйича биринчи йўл харитаси бўлди.

2023 йил 3 ноябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган ТДТ саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот — “Туркий дунёнинг олий ордени” билан тақдирланди.

“Бу мукофотни мен биринчи навбатда чинакам биродарлик ришталари асосида янгидан юксалаётган яқин дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз рамзи, деб биламан”, — деди маросимда давлатимиз раҳбари, ҳамкасбларга миннатдорлик билдириб.

Ўзбекистон ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича самарали ташаббусларни илгари суриб, фаол позицияни эгаллашда давом этмоқда. Бугунги кунга қадар давлатимиз раҳбари томонидан ТДТ саммитларида илгари сурилган 60 дан ортиқ ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилди ва амалга оширилиш жараёнида.

Мамлакатимиз маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштириш, Марказий Осиёни Европа ва бошқа минтақалар билан боғловчи янги савдо ва транспорт йўналишларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Таълим соҳасида Ўзбекистон талабалар ва тадқиқотчилар алмашинув дастурларида фаол иштирок этиб, туркий мамлакатлар университетлари ва илмий марказлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, қўшма таълим дастурлари ва тажриба алмашиш учун академик платформалар яратиш фаол қўллаб-қувватланаётир. Ўзбекистон ташаббусларининг муҳим жиҳати ҳам энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз ташкилотнинг молиявий механизмларини, хусусан, жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган ТДТ Инвестиция жамғармасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкилотнинг Тараққиёт банкини тезроқ ишга тушириш тарафдори.

Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо давлатлар ва кузатувчилари билан икки томонлама ҳамкорлиги ҳам ижобий динамика билан тавсифланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотининг барча давлатлари билан муносабатларини, хусусан, Туркманистон ва Венгрия билан стратегик шериклик, Туркия ва Қирғизистон билан ҳар томонлама стратегик шериклик ҳамда Қозоғистон ва Озарбайжон билан иттифоқчилик даражасига кўтарди.

Инвестициявий ҳамкорлик кўлами ҳам изчил ошиб бормоқда. 2017-2022 йилларда ТДТ мамлакатлари Ўзбекистон иқтисодиётига 4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритди, бу белгиланган даврдаги умумий хорижий инвестициялар ҳажмининг 8 фоизини ташкил этади.

Мухтасар айтганда, Туркий давлатлар ташкилотининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган саммити Ўзбекистоннинг тузилма салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича янги ташаббусларини илгари суриш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Саммит натижалари эса, шубҳасиз, туркий халқлар фаровонлиги ва тараққиёти йўлида кўп томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитади.

“Дунё” АА

ШАХСИЙ ФИКР

Чилонзор туманидаги “Ўзбекфильм” киностудияси жойлашган маҳаллада катта бўлганман. Онам раҳматли айтиб берган бир гап қарийб 30 йилдан буён эсимдан чиқмайди, аксинча, тез-тез эсимга тушиб туради. Онамнинг айтишларича, ўшанда кўчамизда ораста кийинган, маданиятли, одобли икки аёл ўзаро суҳбатлашиб, айланиб юришган экан. Улар ўзларини таништиришибди. Хорижда яшаётган ўзимизнинг ватандошлардан экан. Узоқ юртларда ўз миллий қадриятларини, урф-одатларини, тилини сақлаб қолганликлари учун ўзбек тилида жуда тоза гапиришаркан. Энди Ўзбекистон мустақил бўлганидан руҳланиб, она юрт билан қуда-андачилик ришталарини боғлаш ниятида ўзбек қизларига совчиликка келишгани ҳақида сўзлаб беришибди. Бир пиёла чой устида ватандошлар билан суҳбат қизибди.

Ўзингиз ўтирган дарахт шохини арраламанг!

Йиллар ўтиб, ўзим ҳам хизмат юзасидан хорижий мамлакатларга сафарга чиқадиган бўлдим. Табиийки, Ўзбекистонданман, десам, суҳбатдошларим юртимизга қизиқишларини яшироlмас, ажойиб саволлар беришарди. Бир сафар ота-боболари қачонлардир юртимиздан кетиб қолган ватандошлардан бири гап орасида: “Ўзбек қайноналари шунчалик ваҳшийми, келинларига кун беришмас экан, эркаклари икки-учталаб хотин олиб, гўдак болалари билан ташлаб кетаверишар экан, қизлар шунчалик ёмон йўлларга кириб кетганми?” деб қолди.

Албатта: “Йўқ, бу каби гапларни юртимизнинг ғанимлари тарқатишаётгандир, бу гапларни қаердан топдинглар?” деб айтдим. Улар: “Йўқ, биз ўзбек киносериалларини интернетдан олиб, ўзимиз кўряпмиз”, дейишганди. Ўйлаб қоламан, ҳозир ҳам ахборот алмашув технологиялари ривожланган шу кезларда улар ҳам барча телеканалларимизда намойиш этилаётган сериалларни кўришаётгандир? Балки, айримлари устимиздан кулишаётгандир, балки, ўз ватандошларининг аҳволидан ачинишаётгандирлар? Кун-кунора гувоҳи бўлаётганингиздек, қайнона-келин можароси, қўшхотинлик жанжаллари, бировнинг эрини йўлдан уриш, фаҳш ботқоғига ботганлар ҳақидаги телесериалларимиз хорижликлар нуқтаи назарида ўзлигимизни ерга урмаяптими, келинларимизга, невараларимизга қайсидир маънода “йўл-йўриқ” кўрсатмаяптими? Бу каби сериалларни бола-чақаларимиз билан кўришга ҳам орланиб қолдик. Жаноб киночиларга бундан бошқа мавзу йўқми?

Телевидение масхарабозлик майдони эмас ахир! Бундан одамлар ўзлари учун намуна олади. Ҳатто айрим оилаларда келинлар киносериаллардагидек ота-онанинг гапига қулоқ солмай, қаердаги сохта руҳшуносларга бориб, уларнинг маслаҳати туфайли эри билан жиққамушт бўлиб, ажрашиб кетишяпти. Бу масалада шунчаки гапириб қўйиб бўлмайди, жамоатчилик, соҳа мутахассислари билан айнан шу сериаллар масаласини жиддийроқ муҳокама қилишимиз керак.

Эсимда, бир гал Олот туманига сафарга борганимизда, туман хотин-қизлар бўлимининг раҳбари биздан: “Телевидение катталарига бизнинг фикримизни етказинглар, келинларимиз шу пайтгача қайнонаси ўтирган уйнинг тўрига ўтмасди, Тошкент телевидениелари намойиш этаётган сериалларни кўриб, ҳозир гап қайтарадиган, юзга чопадиган бўлиб кетяпти”, деганди. Ҳақиқатан ҳам, бу мавзу шунчаки гап эмас. Кейинги пайтда оилаларнинг бузилиб кетаётганидан жамоатчилик ташвишда. Бу ҳолнинг сабабини эса ҳеч ким телевидениедан изламаяпти. Ахир кино, телевидение ахборот макони-ку!

Хулоса шундайки, оммавий ахборот воситаларида ҳам, телевидение соҳасида ҳам, кино экранларида ҳам билиб-билмай ёзилаётган, намойиш этилаётган оилавий машмашалар, қайнона-келинларнинг шанғиллашлари, ур-тўполон сюжетларини “долзарб” деб тасаввур қиладиган режиссёрлар, телесериалларни, фильмларни қаторлаштириб суратга олаётганлар, билиб қўйинг, ўзларингиз ўтирган дарахтнинг шохини арраляпсизлар. Бу билан оила аъзоларингизни, фарзандларингизни, умуман, миллатимизни маънавий инқироз сари етакламаяпсизми? Бунинг устига, айрим ёши улуғ, номдор “саноат”корларимиз ҳам ўйламай-нетмай безбет қайноналар ролини ошиғи билан ижро этиб беряпти, оқибати эса мана: “Қуш уясида кўрганини қилади”, деганидек, кўрганларимиз жамоатчиликка тескари таъсир қиляпти. Қайси сериал шундай экан, деганларга қарата айтаман, жуда кўпининг бодрингчалик маза-матраси йўқ. Минг афсус...


Тўғри, ўзбек кино ижодкорлари яхши, ибратли теле-сериаллар ҳам олишмоқда. Соҳада яхши ўзгаришлар қилинаётгани ҳам бор гап. Чунки Давлатимиз раҳбари кино соҳасига катта эътибор, маблағ ажратаётганини эшитиб турибмиз, ўқияпмиз матбуотдан. Аммо аксарият телеканалларда намойиш этилаётган сериалларнинг мавзуси деярли бир хил бўлиб, тарбиявий аҳамиятдан кўра, салбий таъсири ортиқроқ бўлаётганга ўхшайди.

Мирҳамид АБДУЛЛАЕВ

АНЖУМАН

Яқинда пойтахтимизда “Табассум: Ўзбекистонда гендер тенгликни тарғиб қилиш ва ёш аёлларни қўллаб-қувватлаш учун медиа кўникмалари” (2024 – 2026) лойиҳасининг расмий тақдимотига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда 70 дан зиёд меҳмонлар, жумладан, ҳукумат вакиллари, Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, халқаро ва донор ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирок этишди.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК БЎЙИЧА ЯНГИ ТАШАББУС



Лойиҳа мақсадли гуруҳлар, жумладан, журналистлар, ижтимоий тармоқ фаоллари, ёшлар ва аёллар ҳамда нодавлат ташкилотларининг гендер ҳақида конструктив ахборот тайёрлаш, гендерга оид дезинформация ва медиа тадбирларини ўтказиш бўйича тажриба ва амалий кўникмаларини оширишга қаратилган. Аёллар ва ёшлар билан ишлайдиган нодавлат ташкилотлари 4 000 еврогача грантлар олишади ва бу грант орқали ўзбек медиасида ёшлар ҳамда аёлларга тааллуқли, ушбу мавзуни жонлантирувчи ва омманинг мавзуга бўлган муносабатини тўғри шакллантирувчи медиа хабарлар яратишади. 500 000 евро маблағни шакллантирган ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган ва Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги (BMZ) томонидан қўллаб-қувватланган. Лойиҳа Германияда жойлашган “DW Akademie” ҳамда Замонавий журналистикани ривожлантириш маркази ҳамкорлигида амалга оширилади.

Анжуманда лойиҳанинг мақсад-вазифалари, уни амалга ошириш тартиби ҳамда сўнгги йилларда юртимизда айнан гендер тенглик борасида қилинаётган ишлар юзасидан фикрлар билдирилди.

Тоиво КЛААР,
Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси:

— Европа Иттифоқи Ўзбекистондаги гендер тенглик борасида амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларининг эркаклар билан тенг бўлишига интилишларини қўллаб-қувватлайди. Албатта мамлакатингиздаги нодавлат-нотижорат ташкилотларининг имкониятларини мустаҳкамлаш ва уларнинг муҳим ижтимоий масалаларни кенг аудиторияга етказиш қобилиятини ошириш бу йўналишда муҳим қадамдир. Биз оммавий ахборот воситаларининг таъсирини, у одамларнинг муносабатини ижобий равишда ўзгартириши ва аёлларни қўллаб-қувватлашини тан оламиз.



Амалиа ОГАНЖАНЯН,
“Deutsche Welle”нинг халқаро медиани ривожлантириш, журналистика соҳасида ўқитиш ва билимларни тарқатиш маркази “Табассум” лойиҳаси координатори:

— Бу Ўзбекистон учун жуда муҳим ва ўта зарур ташаббусдир. Турли ижтимоий фаолиятларда аёллар иштироки ҳар доим юқори бўлса-да, уларнинг гендерга оид муҳокамаларда қатнашиш, аёллик нуқтаи назарини билдириш ва бошқарувда қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имкониятлари чекланган. “Табассум” лойиҳаси гендерга оид дезинформация муаммосига қаратилган — бу глобал тренд бўлиб, Ўзбекистонга ҳам тегишли.



Саида СУЛАЙМАНОВА,
Замонавий журналистикани ривожлантириш маркази директори:

— Ўзбек тилида “Табассум” жилмайиш, кулиш деган маънони англатади. Шунингдек, бу аёлларга қўйиладиган чиройли исм ҳамдир. Биз ўз лойиҳамизни “Табассум” деб атадик ва бу билан Ўзбекистонда гендер масалаларига оид салбий коннотацияни ижобий тусга ўзгартиришни мақсад қилдик. Биз журналистлар ва блогерларнинг гендер саводхонлигини ошириш, уларнинг гендерга оид конструктив материаллар тайёрлаш қобилиятларини мустаҳкамлаш ҳамда аёллар билан ишлайдиган нодавлат ташкилотларининг гендер тенгликни ҳимоя қилиш масалаларида фаол бўлиши ва аёлларни қўллаб-қувватлашда самарадорлигини ошириш ва эскирган гендер стереотиплари билан курашишда олиб бораётган фаолиятларини қўллаб-қувватлаймиз. Бизнинг лойиҳамиз мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини



ҳимоя қилиш ва гендер зўравонликни бартараф қилиш йўлидаги тўсиқлардан бири ҳисобланган стереотипларга қарши курашда ўз ҳиссасини қўшишига қатъий ишонамиз.

Маълумот ўрнида: “DW Akademie” — “Deutsche Welle”нинг халқаро медиани ривожлантириш, журналистика соҳасида ўқитиш ва билимларни тарқатиш маркази ҳисобланади. Унинг лойиҳалари сўз эркинлиги ва ахборотдан эркин фойдаланиш каби инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлайди. Академия бутун дунё бўйлаб фаолият юритади ва инсонларни ишончли фактлар ва конструктив мулоқот асосида мустақил қарорлар қабул қилиш учун имконият яратишга ҳаракат қилади. У Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлигининг стратегик ҳамкори бўлиб, Федерал ташқи ишлар вазирлиги ва Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилади ҳамда 70 га яқин ривожланаётган давлатларда фаолият олиб боради.

Замонавий журналистикани ривожлантириш маркази эса 2018 йилда ташкил этилган ва Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиёда медиани ривожлантириш билан шуғулланадиган етакчи нодавлат ташкилотларидан бири ҳисобланади. У сўз эркинлигини тарғиб қилиш ва Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг барқарорлигини таъминлашни мақсад қилиб олган. Бунга тарғибот, оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш, сифатли журналистика учун стандартларни тарғиб қилиш, замонавий мультимедиа технологиялари, оммавий ахборот бошқаруви ва медиа қонунчилиги йўналишларида салоҳиятни ошириш орқали эришилади. Шунингдек, марказ медиасаводхонликни ривожлантириш, фактларни текшириш, иқлим, атроф-муҳит масалаларини ёритиш ва оммавий ахборот воситаларини ўрганишда чуқур тажрибага эга.

Таъкидлаш жоизки, иккала ташкилот ҳам 2019 йилдан бери Ўзбекистонда медиасаводхонлик, медиа менежерлар ва журналистлар салоҳиятини ошириш дастурлари ва жамоа медиасини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилмоқда.

Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли.

КИТОБХОНЛИК

Инсонларнинг маънавий олами қанчалик кенг ва бой бўлса, қалб гўзаллиги, тафаккур олами, атроф-муҳит, ташқи олам билан боғлиқ барча ҳаракатлари ҳам гўзал бўлади. Муомала қилиш маданияти, сўзлашиш одоби, юриш-туриши, кийиниш одоби ҳам унинг бир бўлаги сифатида тўлдириб туради.



МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛЛИК МАСКАНИ

“Бола азиз — одоби ундан азиз”, деган иборани бекор айтишмаган. Ёки: “Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи керак”, деган сўзни ҳам кўп бора эшитганмиз. Инсоннинг юзи ҳам, ўзи ҳам гўзал бўлиши билан бирга, унинг қалби, фикри, онги, маънавияти ҳам гўзал бўлиши лозимлигини китобларда кўп бор ўқиганмиз, катталардан эшитганмиз, маънавий гўзаллик барчамизнинг етуклик борасидаги ички туйғуларимиз ҳосиласи деб билсак, оилада фарзандларимиз тарбиясини, одобини гўдакликдан тарбиялаш ўз самарасини беради. Бунинг учун эса фарзанд тарбиясининг биринчи кунлариданоқ она алласи билан биргаликда ўсиб улғаяётган миллат эгаларини қўшиқ хиргойи қилиш, алла айтиш орқали тинглаш қобилиятини ўстирамиз. Мактаб ёшидан бошлаб эса китоб ўқишга меҳрини такомиллаштириб борамиз. “Ёшликда олган билим тошга ўйилган нақш кабидир” дейдилар.

Китоб ўқишга бўлган меҳр оиладан шаклланар экан, бу фарзанд катта бўлиб, баркамол шахс сифатида шаклланиб бораверади. Шу орқали бу шахснинг маънавий олами ўсиб, тафаккури бойиб, китобхонлик маданияти аста-секин ўсиб, ривожланиб боради. Кўп мутолаа қилган ҳар қандай қалб аваламбор ўз фикрида қатъий турадиган, тенгдошлари орасида бемалол фикрини бошқаларга етказиб бера оладиган, сўз бойлиги юқори, маънавияти бой, маънавий олами гўзал инсон бўлиб етишади.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, китобсевар миллатни шакллантиришга қаратилган кўплаб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ҳар ойнинг 17-санаси “Китобхон оналар куни” деб эълон қилиниши ҳам бугунги кунда миллат тарбиячиси — оналаримизнинг китобхонлик даражасини оширишга, уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шу ўринда “Китобхон оила”, “Ёш китобхон оила”, “Зукко китобхон оила” каби танловларнинг юртимиз бўйлаб ўтказилиши ҳам китобхонлик маданиятини оиладан шакллантириб боришга қаратилган, десак, хато бўлмайди. Оналаримиз қанчалик китобхон бўлса, фарзандларимиз ҳам, келажак эгалари бўлган ёш авлод ҳам шу қадар билимдон, салоҳиятли бўлиб улғаядилар.

Юртбошимиз ўтган йили 22 декабрь куни Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида: “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!

Шу мақсадда халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтаришимиз лозим”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бугун китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш ва ёш авлодда китобга меҳр уйғотиш каби масалалар юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу борада, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ахборот-кутубхона марказида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Кутубхонамизда юз мингдан ортиқ бадиий, сиёсий ва оммабоп адабиётлар мавжуд. Болажонлар учун алоҳида ўқув зали бўлиб, унда эртаклар, топишмоқлар, болалар энциклопедиялари, тез айтиш, мақол ва маталлар, ҳар хил луғатлардан иборат 10 минг нусхадан ортиқ бир-биридан қизиқарли китоблар ёшлар томонидан севиб мутолаа қилиняпти. Кутубхонамиз ҳар доим ўқишни, билим олишни ва мутолаани севувчи китобсеварлар билан гавжум бўлиши билан бир қаторда, шаҳримизда, вилоятимизда ўтказиладиган ҳар қандай маънавий-маърифий тадбирда фаол иштирок этиб келмоқда. Ахборот-кутубхона марказидан узоқда жойлашган маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳам кўчма кутубхоналар ташкил этилаётгани таҳсинга лойиқ. Шу билан бирга ахборот-кутубхона марказимизнинг фаолиятида “Меҳр кутубхонаси” ва “Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди” шиори остида имконияти чекланган, кекса ёшдаги китобхонлар, ёши улуғлар ва уй бекалари учун “Уйга элтиб бериш хизмати” ҳам йўлга қўйилган. Биз ўз хизматимиздан, албатта, ғурур ва ифтихор туйғусини туямиз. Бу хизматдан фойдаланган ҳар бир кекса авлод жуда ҳам мамнун. Ахборот-кутубхона маркази шаҳримизда 2024 йил июль ойида ташкил этилган “Маънавият хиёбони”да ҳам ҳар ойда икки-уч марта янги адабиётлардан иборат китоб кўргазмалари ташкил этиб, турли мавзудаги тадбирларни ўтказиб боради. Бу эса ўз ўрнида ахборот-кутубхона марказига олинган янги адабиётлар билан таништирибгина қолмасдан, балки мутолаани севувчи қалблар учун ҳам янгилик бўлмоқда. Китоб — фикрлаш қаноти, хазиналар калити, тафаккур манбаи эканлигини билган ҳар битта китобхон ўзи истаган китобларни шу маскандан бемалол олиб мутолаа қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 2023 йилда ахборот-кутубхона марказимиз “Очиқ бюджет” лойиҳасида овоз тўплаш йўли билан 600 млн сўм маблағни қўлга киритди. Бу маблағ ёрдамида кутубхонанинг иссиқлик тизими тўлиқ таъмирдан чиқарилди ҳамда жиҳозлари янгиланиб, ўқув заллари кўркам ва шинам ҳамда юмшоқ мебеллар билан жиҳозланди. Бунинг учун бизни қўллаб-қувватлаган, ўз овозларини берган Ангрен шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларига, аҳолига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу юртимизда фарзандларимиз келажаги бўлган китоб мутолааси ва кутубхоналарга катта эътибордан далолат.

Гулбаҳор САФАРОВА,
Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ахборот-кутубхона маркази директори, “Ахборот-кутубхона аълочиси” ва “Маънавият фидойиси” кўкрак нишонлари соҳибаси.

ҚИЛМИШ

ФИРИБГАР ҚИЗГА ҲУКМ ЎҚИЛДИ

Кечгача тўрт бурчак “Paynet” будкасида ўтириб мижозларига хизмат қилган Ойсара кечқурун уйига келди-да, апил-тапил овқат тайёрлаб, тамадди қилгач, ухлаб қолди. Тун. Алламаҳал. Тонг отгунча анча вақт бор. Тонг отишини эрта сезувчи хўрозлар ҳали қичқирганича йўқ. Шу маҳал негадир у уйғониб кетди. Кечки пайт товадаги иссиқ ёғга колбасани ташлаб қовуриб егани учунми, чанқаган эди. Ошхонага бориб, сув ичди-да, яна жойига кириб ётгач, бирпасда қотиб ухлаб қолди.



Шу ухлаш асносида у ширин туш кўрибди. Тушида ишхонасида эмиш. Мижозлари кўп эмиш. Қараса, охири йўқдек тизилиб, “меникини олинг, меникини олинг” дегувчиларнинг сони кўпаяверибди. У берилиб ишлаб, ҳар-ҳар замонда пешонасидаги терни рўмолчаси билан артиб қўяверибди. Ёнидаги қути мижозлар берган пулларга тўлиб кетганидан, кейинги тушганларини иккинчи қутига солаверибди. Кечгача бу идиш ҳам пулга тўлибди. Биринчи қутидагисини санаб топшириб, бошқасини ўзи билан уйига олиб кетибди. Бориб санаса, анчагина пул бўлибди.

“Ойсара, Ойсара” деб онаси чақиравермаса, ҳали яна қанча қутидаги пулларни тушида санарди. Онасининг овозидан уйғониб кетди. Қараса, бошида онаси: “Қуёш чиқиб кетди, ишга бормайсанми?” — деб турибди.

У ўрнидан туриб, бет-қўлини ювди-да, бир пиёла чойни апил-тапил ича сола, сумкасини олиб, ишга жўнади. Ишхонаси — ихчамгина “Paynet” хона. У йўл-йўлакай кечаги тушини ўйлаб кетди. Ростдан ҳам ҳар куни тушаётган пулларнинг чўғи мўлдан-мўл, кўпайиб бораётир.

Охири ўйлай-ўйлай, “Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битибди” деган нақл эсига тушди. Чунки солиқни ҳамма тўлайди. “Нақд пул кўринишида тўлайдиганлар “темир йўл”дек тўпа-тўғри менга келаётир”, — дея ўйлаб, кечаги тушини ўнгига айлантирди-қўйди. Ўзиям эрталабдан кечгача одамларнинг оқими тўхтамади.

Кимдир уй-жойи, ер-мулк солиғи учун беш юз минг, яна кимдир бир миллион сўм, бошқа бири қариндошининг ер-мулк, уй-жой солиғи учун тўққиз юз минг, хуллас, ҳар куни шундай кўринишда солиқ тўловчиларнинг охири йўқдек келаверар эди.

Улар мол-мулк, ер солиғини тўладик деб эркин нафас олиб юраверишди. “Paynet”чи Ойсара ҳам ўзи билганича тушини ўнгига айлантириб юраверди.

Ҳар куни шу ҳол. Қанчадир кирим кўрингани учун идорадагилар ҳам, солиқдагилар ҳам бори шу бўлса керак-да, деган хаёл билан юраверишди. Ойлар ойларни қувди, йиллар оша йиллар келаверди. Қачонки солиқ тўловчиларнинг уйига: “Солиқдан қарздорсиз, зудлик билан тўланг”, — деган хабар бормаганида, бу “пул йиғиш операцияси” ҳали яна давом этавериши тайин эди.

Солиқдагилар қарздорларнинг узундан-узун рўйхатини тузиб чиқишди. Ҳаммасига махсус идора орқали хабар ҳам йўллашди.

Шундан сўнг ҳалиги алданиб қолган одамлар солиқ идораси томон оқиб келаверди. Уларнинг сони кун сайин ошиб, бир юз етмиш бир нафарга етди. Идорага келган эркагу аёллар қўлидаги “Paynet” чекларининг бари сохта бўлиб чиқди.

Бир юз беш миллион тўрт юз олтмиш тўққиз минг сўмни иккинчи қутига солиб уйига олиб келган, ҳали турмушга чиқишга ҳам улгурмаган Ойсара эса “шум хабар”ни эшитгач, жуфтакни ростлаган эди.

У беркинмоқчи бўлиб, панапастқам жойларда ҳам юрди. Айтишларича, машина сотиб олишга ҳам улгурган экан.

Қидирув узоққа чўзилмади. Ойсара Қўлдошева қўлга тушгач, унга сичқоннинг ини минг танга бўлди. Солиқ тўлаб қутулдик деганлар билан юзлаштирилди. У айбини тан олишга мажбур бўлди. “Олдим, ютдим”, деди-ю жим қолди.

Хуллас, фирибгар қизга суд ҳукми ўқилди.

Нафси ҳакалак отган Ойсара Қўлдошева гул умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Тўлқин АБДИРАИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди раиси.
Чори ҚОРАҚУЛОВ,
суд маслаҳатчиси.

ДАУИТ АБИБУЛЛАЕВ — УЮШМА БЎЛИМИГА РАИС БЎЛДИ

1-6.

Айни кунгача у Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Маҳаллий ахборот таҳририятининг Қорақалпоғистон Республикасидаги шарҳловчиси сифатида меҳнат қилаётган эди.

Эндиликда Дауит Абибуллаев бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси сифатида ҳам фаолият олиб боради.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Шарап Утемисов қатнашди.

СИРДАРЁДА “ISHONCH” КУНЛАРИ

“Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари таҳририяти ўз муштарийлари билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш мақсадида ҳар йили республикамиз бўйлаб “Ishonch” кунлари” ўтказиши анъанага айланган.



Сирдарёлик муштарийлар билан ўтган бу галги тадбир доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациянинг вилоят Кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди. Газета бош муҳаррири ўринбосари Жаҳонгир Наҳанов ҳамда таҳририят етакчи мутахассиси Шоира Йўлдошевалар нашрнинг тайёрланишидан то газетхонга етиб боришигача бўлган жараёнлар ҳақида гапириб бердилар. Шундан сўнг савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар қизғин тус олди. Газетанинг янада қизиқарли, мазмунли чиқиши учун кўплаб таклифлар айтилди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари бошқа мамлакатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда. Дунёдаги энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланган Умумхитой касаба уюшмалари билан янги босқичга кўтарилган ҳамкорлик бунга яққол мисол, — деди ЎКУФ вилоят кенгаши ижтимоий суғурта бўлими мудири Раҳматулла Султонов. — Газетхонларга хориж мамлакатлари касаба уюшмалари тажрибаси, бошқалардан фарқи, тарихи ҳам қизиқ. Шу мавзуларда ҳам мақолалар бериб борилса...

— Мен “Ishonch” газетасини мунтазам ўқиб бораман, ўқиб дам оламан. Ҳар бир сонини тартиб билан тахламларга тикаман, — деди АТ Халқ банки вилоят минтақавий маркази касаба уюшмаси раиси Фарида Рўзимуҳаммедова. — Банкимизнинг 10 та филиалида ишлаётган ходимларимизга ҳам газета тахламларини бериб юбораман. “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари 2023 йилда республикамиз миқёсида энг кўп танқидий чиқиш қилган ва уларнинг ечимига тўла эришган кам сонли газеталар сирасига киради. Энг оммабоп ва адади кўп бу нашрлар конвергент таҳририятга айланаётгани билан ҳам ибратли. Бир вақтнинг ўзида ҳам газета чоп этиш, ҳам ижтимоий тармоқларни бирдай юритиш жамоадан юксак масъулият талаб этади.

ТЕАТРГА ПРЕСС-ТУР УЮШТИРИЛДИ

Навоий вилоят телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида ОАВ ходимлари, фахрий журналистлар, блогер ҳамда матбуот ходимлари, ахборот хизмати вакилларини Навоий вилояти қўғирчоқ театри фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.



Дастлаб оммавий ахборот воситалари вакиллари театр ижодий жамоаси ва томошабинлар учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Юртимизнинг буюк сиймолари, халқимизнинг бой тарихи, Ватанимиз мустақиллигига улкан ҳисса қўшган намояндалар ҳаёти ва ижоди чуқур акс эттирилган саҳна асарлари яратиш борасида театр жамоаси олиб бораётган ишлар, келгусидаги режалар хусусида ижодий мулоқот бўлди. Ҳаёт синовларида тобланган, давр билан ҳамнафас инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитадиган, келажакка ишончини оширадиган, ибратга лойиқ замон қаҳрамонлари образини саҳнада талқин этишда ёзувчилар, драматурглар ва режиссёрлар билан ҳамкорлик бугунги кун талаби экани алоҳида эътироф этилди.

— Асосий мақсадимиз — миллий истиқлол ғояларига ҳамоҳанг, бадиий жиҳатдан юксак савияли, халқчил асарларни саҳналаштириш орқали халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини ривожлантириш, инсоний фазилатларни сингдириш. Навоий вилоят қўғирчоқ театри 2023 йилнинг 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни фойдаланишга топширилган, — деди театр директори Баҳриддин Турдиев. — Вилоятимизда давлат театри ягона бўлганлиги туфайли, жамоамиз ижодкорлари катталар учун ҳам, болалар учун ҳам спектакллар саҳналаштириб келмоқда; кўплаб ёш кадрлар, маҳоратли актёрлар изланиб фаолият кўрсатишяпти. Тажрибали актёр Акмал Шодиев бош режиссёрлик қилади.

ЖУРНАЛИСТГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Янги Фарғона” газетаси бўлим мудири, таниқли журналист Тамара Тошматованинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов, “Фарғона ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири Рустамжон Арипов ҳамда таҳририят ходимлари, журналистнинг шогирдлари Тамара Тошматовани қутлуғ ёши билан табриклаб, унинг ўзбек журналистикаси ривожига қўшган ҳиссаси, устоз-шогирд амалиётидаги самарали хизматларини алоҳида эътироф этдилар.

Т.Тошматова 1977 йилдан буён Фарғона туманининг “Шонли меҳнат”, “Ферганская правда” вилоят газеталарида, республика “Region inform” ахборот хизматининг таҳририятида меҳнат қилди. Айни кунда “Фарғона ҳақиқати” – “Ферганская правда” вилоят газеталари бирлашган таҳририятида фаолият олиб бормоқда.

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАГАН УСТОЗ

Яқинда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ва Жондор туман ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида устоз журналист Сафар Аҳмаднинг хотира кечаси ўтказилди. Хотира кечасида уюшманинг Бухоро вилояти бўлими масъуллари, устознинг дўстлари, шогирдлари, ёш ижодкорлар ҳамда кутубхона ходимлари иштирок этишди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими раиси в.в.б. Шамшод Очилов Сафар Аҳмаднинг журналистик фаолияти, маҳорати ҳақида гапириб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро шаҳар бўлинмаси раҳбари Азиз Ҳакимов, “Бухоро оқшоми” газетаси муҳаррири Ибодат Ражабова, журналистлар Ҳазрат Зулфиқор, Обид Қўлдош таниқли устоз билан боғлиқ хотираларини ўртоқлашди.

— Сафар Аҳмад муҳаррир сифатида бағрикенг ва адолатли эди, — деди Ахборот-кутубхона маркази раҳбари Ражаббой Ҳалимов. — Биз устоздан журналистиканинг сир-асрорлари билан бирга ҳақиқат қарор топиши учун курашишни ҳам ўргандик. Устоз Бухоро адабиёти, журналистикасида ўз ўрнига эга бўлган қаламкаш, тажрибали журналист эди, халқ дарди билан яшаб, ижод қилди.

Тадбир давомида ўқувчилар Сафар Аҳмад шеърларидан намуналар ўқилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ГАЗЕТАЛАР ҚАЧОН БЕПУЛ ТАРҚАТИЛАДИ?



“Янги Сирдарё” газетаси чин мухлислари учун шундай ташаббус билан чиқди

Озиқ-овқат дўконига кирдим. “Оқ қанд борми?” — сўрайман сотувчи опадан. У бўлса жим. Ҳайрон бўлиб қарасам, опа ҳайрат нигоҳлари билан қўлимдаги газеталарга тикилиб сўради.

— Қўлингиздаги қандай газеталар?

— Буларми, “Янги Сирдарё” ва “Hurriyat” газеталари. Ўқисангиз бераман, — дедим-да жавобини кутмасдан “Янги Сирдарё” газетасининг 3-4 та нусхасидан тутқаздим. — “Hurriyat”дан бера олмайман. Ўзи бир нусха.

— Қанча бўлади буларнинг нархи?

— Ҳеч қанча. Ўқийман деганларга текин.

— Ростданми? — сўради ишонқирамай у.

— Ростдан.

— Бу газеталар ҳали ҳам нашр этиляптими? Анчадан бери кўрмагандим. Мен республика ва вилоятимиз нашрларини мунтазам ўқиб, кузатиб борар эдим. Уларнинг ҳали ҳам нашр этилаётганидан бехабар эканман.

— Албатта, нашр этиляпти. Хоҳласангиз, ҳар ҳафта Сизга олиб келаман. Фақат бир шартим бор.

— Қанақа шарт?

— Дўконингизда газета қўйишга жой ажратасиз ва савдо қилганларга бир донадан берасиз. Мен эса одамларнинг газетамизни олишига қараб, ўқилишига қараб, нечта десангиз, ҳар ҳафта олиб келаман.

— Текингами?

— Ҳа.

Сотувчи опа билан шу тахлит оғзаки “шартнома” туздик. Ўйладимки, одамлар ҳозир газетага чанқоқ. Бунга шу каби бир қанча воқеалар асно гувоҳ бўлдим. Фақат аксарият одамлар глобаллашган, интенсивлашган ва ахборотлашган даврда адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий газеталар нашр этилаётганлигидан ҳам бехабар. Одамларга бугун газеталар янгиланган янгилик.

Қолаверса, бу ҳам газеталар рекламасининг (таҳририят зарарига бўлса-да) бир тури, лекин одамларнинг маънавий савиясини оширишнинг самарали усулидир.

Шу воқеадан кейин бир қанча дўкон эгалари билан шу тахлит келишувга эришдим. Бир китоб дўкони эгаси билан дўкон ёнида махсус китоб ва газеталар ўқийдиган жой ташкил этяпмиз.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва бир қанча ташкилотлар раҳбарларининг қабулхоналари, кутубхоналарда, Халқ қабулхоналарида, умуман, одамлар кутиш жойларида газеталар қўйиладиган махсус жойлар ташкил этиш урфга кириб бормоқда. Бу тажриба анъанага, оммавий маданиятга айланса, ажаб эмас...

Қолаверса, кўпгина давлатларда, жумладан, энг ривожланган мамлакатларда газеталар халққа бепул тарқатилади.

Аэропорт ва вокзаллар, меҳмонхоналар, метро ва катта-кичик дўконларда турли нашрларни бепул олиб кетиш мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Ахир гезаталар ўз-ўзидан чоп этилиб қолмайди-ку! Унга қанча қоғоз, чоп этиш ҳаражатлари, таҳририятнинг ойлик маошлари... булар ҳамма жойда бор. Фақат бунинг учун ана шу бепул тарқатиладиган газеталар учун олдиндан маблағлар ажратиб қўйилади. Бу давлат томонидан бўлиши мумкин ёки ўша манфаатдор компания, ташкилотлар бўлсин.

Албатта, пуллик нашрлар ҳам йўқ эмас.

Хўш, бу жаҳоний тажриба нега бизда йўқ? Неага қўллаб-қўввтланмайди? Айтайлик, Маҳаллалар уюшмаси, Маънавият ва маърифат марказлари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Ўзбекистон темир йўллари”, Туризм вазирлиги кабилар матбуот нашрларига эътибор қаратсалар бўлмайдими?

Бу нарсаларни ким, қачон ўйлайди?

Бир туман маҳаллалар уюшмасига бордик. Эътиборимни тортган жиҳат жавондаги “Маҳалла” газетасининг тахламлари бўлди. Қарадим. Газетанинг 2 та сонининг 100 га яқини. “Буни қайси ташкилот олиб келади сизларга?” — дея сўрайман. “Топшириш далолатномаси бор”, деб қўлимга тутқазди. “Сурхондарёда тезкор матбуот хизмати” МЧЖ” деб ёзилган экан. Тезкор матбуот бўлса, газеталарни нашрдан кейин икки ҳафтада етказадими? Энди бу газеталар қачон маҳаллаларга етиб боради? Етиб борадими ўзи? Саволлар кўп. Жавоб берадиган томон эса сукутда!

“Маҳалла” газетасини таҳририятнинг ўзи етказиб берувчи ташкилотлар билан шартнома тузиб, вилоятларга етказилишини таъминлар экан. Муаммо йўқ. Бироқ Сирдарё вилоятига газетанинг 2 та сони мутлақо бошқа вилоятнинг матбуот хизмати томонидан, боз устига, бир жойга берилишини қандай тушуниш лозим?

Бундай ҳолат яқинда вилоятимизда ташкил этилган “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари таҳририяти жамоасининг ўз муштарийлари билан яқиндан мулоқот қилиш асносида ташкил этилган “Ишонч кунлари” йиғилишида ҳам эътирозларга сабаб бўлди.

Муштарийларнинг айтишларича, “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари бир ҳафтада бир маротаба етказиб берилар экан. “Газеталаримизнинг ўзбекча нашри ҳафтасига уч бора, русчаси бир маротаба нашр этилади. Нега бир ҳафтада бир марта етказиб берилади?” дея эътироз билдирди газета бош муҳаррири ўринбосари Жаҳонгир Наҳанов ушбу газеталарни муштарийларга етказиб берувчи Матбуот тарқатувчи раҳбарига. Жавоб эса яна йўқ!

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни айтмоқчи эдик.

— Юртимизда нашр этилаётган барча газеталар ўз газеталари ўқирманларини кўпайтириш учун муайян савдо дўконлари билан ҳамкорликда фаолият юритсалар. Бунинг учун таҳририят ҳисобидан қўшимча газета нашр этишга тўғри келади, албатта. Бироқ шу орқали халқимизнинг газеталарга бўлган қизиқиши, мутолаага бўлган меҳри ортса, ажабмас. Бироз вақт ўтгач, балки шу туфайли одамларнинг ўзлари газеталарни қидириб, оммавий обуна бўлишга интилиб қолишар...

— Республика нашрлари газеталарнинг вилоятларга тарқатилишида ҳар бир вилоятнинг почта бўлимлари билан ҳамкорликда фаолият юритсалар мақсадга мувофиқ. Шунда газеталар ўз вақтида етиб боради ҳамда халқимиз юртимизнинг турли ҳудудларида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлардан воқиф бўлади. Бошқа вилоятларнинг ёки пойтахт матбуот тарқатувчилари “минг марта тезкор” бўлса ҳам, улар бошқа вилоятлар газеталарини бир манзилга етказиб бериш билан кифояланади, холос...


Ушбу фикрлар кимлар учундир эҳтимол эриш туюлар. Бироқ бизнингча бу ишларни амалга ошириш учун озгина эътибор ва масъулият керак, холос. Бугун барча вилоятларда ташкил этилаётган “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида ҳам газеталар хусусида кўпроқ фикр-мулоҳазалар бўлса, ўринли бўлар эди. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда бўлиши лозим”. Газеталар эса маърифат, маънавият улашишнинг бирламчи ва асосий бўғинларидан биридир.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

АКС-САДО

БУНЧАЛАР БУЮКСАН ВАФО ШЕВАСИ...

“Hurriyat”нинг 2024 йил 30 октябрь №43 сонида чоп этилган “Садоқатдан бахт қасрини қурганлар” мақоласини ўқиб...


САДОҚАТДАН БАХТ ҚАСРИНИ ҚУРГАНЛАР

Сиз садоқат сўзининг моҳияти ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Рўзғор ташвишлари, тўкис яшаш, бойлик, мартаба, мансаб, обрў-эътибор учун елиб-югуриб, бу туйғуни ҳис қиляпсизми? Бўлмаса эшитинг: дунёни садоқат қутқаради. Гўзаллик эмасми, деяпсизми? Тўғри, лекин гўзаллик садоқат дарахтининг ҳосили-да. Усиз ҳеч вақога арзимайди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсага айланади. Буни бугун ҳаётимизда ҳам кўриб турибмиз-ку!

Энг аввало, садоқат жонажон тупроқни севишдан, ардоқлашдан бошланади, десам, мийиғингизда кулишингиз табиий. Негаки, биз уни такрор-такрор айтавериб, оҳорини тўкиб қўйдик-да. Гапни бежиз узоқдан бошламадим. Аслида, ўз жуфтига, дўстига, қўйингки, юртдошларига қалбида садоқат яшамайдиган одамда уни улғайтирган, тил-забон берган, ақл-идрок берган она-заминга муҳаббати юксаклигига шубҳам бор.

Бу таниқли публицист Дилмурод Қирғизбоевнинг “Hurriyat” газетасида босилган “Садоқатдан бахт қасрини қурганлар” номли мақоласини уқиб, (ўқиб эмас!) қалб тозаришини сезганимда қоғозга тушган фикрлар. Ростдан-да, садоқатнинг ёркин тимсоллари ҳақидаги бу битик қалбни артилган шишадек тозартиради. Абдулла Орипов ёзган “сенинг бойликларинг учун севган фарзанд бўлса, кечирма асло” ташбеҳи садоқат олдида олтину жавоҳир, сийму зар сариқ чақага ҳам арзимаслигини намоён этиб турибди. Ушбу мақола — икки ёшнинг университетда ўқиб юрганидаёқ бир-бирига меҳр қўйиб, бу меҳр ҳақиқий муҳаббат ва садоқат тимсолига айлангани ҳақида ёзилибди.

53 йил бир ёстиққа бош қўйиб, қўша-қўша фарзандлар ўстирган Собир ака ва Сайёра опа журналист бўлишган. Қўш қалам не-не қоғозларни қораламади, не-не китоблар ёзмади дейсиз. Қирғизбоевнинг мақоласи эса ана шу икки соҳир қалб соҳибининг бирига бўлган муҳаббати сўнмас олов каби бир умр ловуллаб тургани ҳақида. Сайёра опа (марҳум, жойи жаннатда бўлсин!) турмушига ўн йил тўлганида тўшакка михланиб қолганида Собир ака уни ўкситмай 42 йил ёнида парвона бўлгани ҳақида.

42 йил-а! Бунчалар буюксан вафо шеваси, дегинг келади беихтиёр! Собир аканинг 42 йил давомида бирор марта ҳаётидан нолимагани инсонийликнинг энг олий фазилатидир. У ичидан ўтганини ташига чиқармади, фарзандларига ҳам “ҳеч кимга онам касал деманг, кулиб юринг” деб уқтириб келган. Биласизми, физикада бир қонуният бор. Она сайёрамиз қуёш атрофида айланади. Ой эса ер атрофида. Собир ака ўз Сайёраси атрофида ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу кунларида ҳам “айланиш”дан тўхтамади.

Йиллар ўтиб, Собир ота Иномов Президент Фармонига биноан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланганда, орден фақат ўзига эмас, бутун оила аҳлига тегишли экани ҳақида шундай дейди: “Бу — гарчи ожиза бўлса-да, сабр-бардоши қаршисида тоғлар тиз чўкадиган, қирқ икки йил умрини тўшакда ўтказган, оғриқлар азобига дош бера олган менинг Сайёрамга берилган мукофот эди. Бу — болалигини онасига бағишлаган менинг қизларимга берилган мукофот эди. Бу — онасини боласидек кўтариб парвариш қилган менинг ўғилларимга берилган мукофот эди. Бу — келин эмас, қиз бўлиб қайнонасига онасидан кўпроқ хизмат қилган менинг Дилоромимга берилган мукофот эди”.

Башарти ҳаёт жуда мураккаб, инсон иродасини пўлатдай тоблайди. Унга дош бера олган фидойи одамлар эса орамизда жуда кўп. Муаллиф шундай инсонларни излаб, топиб, элга ибрат қилиб кўрсатиб, уларнинг юрагида яшаётган садоқат аталмиш энг нодир туйғунинг забардаст тарғиботчиси сифатида шуҳрат қозонмоқда.


Фахриддин БОЗОРОВ,
“Халқ сўзи” газетаси мухбири.

АҲВОЛ

УСТОЗ ЎГИТИ

Болалик — орзулар фасли. Инчинин, унинг ўй-хаёллари, орзулари бисёр. Бир қарасанг ҳайдовчи, бир қарасанг адвокат бўламан деб юрардим. Кейинчалик “Журналист бўламан!” деган аҳд билан қўлга қалам олиб, қоғоз билан юзлашдим. Мактабда ўқиб юрган кезларим кичик-кичик мақолалар, ҳикоялар, туман газетасига хабарлар ёзиб турдим. Уни тамомлаб, академик лицейда ўқишни давом эттирдим. Журналистика бўйича илк маротаба сабоқ олиш учун Чуст туманида чоп этиладиган газета қошида ташкил этилган ижодий тўгаракка қатнай бошлаганман...

ЖУРНАЛИСТИКА – ФИДОЙИЛИК ДЕМАК, АММО...



Мана шунга ҳам 14 йилдан ошибди. Устозимиз Замира Меҳмонованинг шундай гаплари бўларди: “Журналист! Бу сўз мағрур жаранглайди. Бу касб масъулиятли, машаққатли бўлиши билан бирга шарафли ҳамдир. Юксак зеҳн, сезгир нигоҳ, беҳаловат кўнгил ва ўткир қалами билан журналистлар сўзнинг юкини елкасига ортиб, халқнинг дардига дармон бўлишга, жамият ва давлат ўртасида кўприк бўлишга ҳаракат қилишади. Шу билан биргаликда тезкорлик, холислик, аниқлик бу — журналистиканинг қатъий шиорига айланган. Сиз ҳали ёшсиз. Агар ўзингизни шу соҳада кўрсангиз, унга қадам қўйинг. Қаршилигим йўқ. Ҳар ҳолда, қаламингиз, истеъдодингиз, саводингиз бор. Қолгани йиллар давомида тажрибалар, устозлар маслаҳатлари, ўгитлари билан пишиб боради. Бизнинг касб ана шундайдир. Кўзингиз етмаса... бошқа касб танлаганингиз маъқул. Ёдингизда тутинг, асло ва асло “Қўрасидан адашган сурув” сингари гангиб юрманг! Сўзнинг ўз юки бор. Унинг уволи эса ёмон. Ана шу уволдан қўрқинг...”

Йиллар ўтди. Устознинг бу сўзларини эса асло унутганим йўқ...

“ҚОДИРИЙНИНГ “САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ” АСАРИ”

Яқинда “Hurriyat” газетаси таҳририятига олий таълим даргоҳининг журналистика йўналишини тамомлаган бир ёш иқтидор иш қидириб келди. Айтишича, кўплаб таҳририятларга борибди. “Бўш жойлар йўқлиги боис” уни ишга олишмабди. Бироз суҳбатлашдим. Кўринишидан бинойидек...

— Охирги марта қайси китобни ўқидингиз? — деб сўрадим ёш иқтидордан.

— Ҳозир ўқишга вақт тополмаяпман, олдинлари ўқиб турардим...

— Хўп, ўша олдинлари ўқиган охирги китобингиз қайси унда?

— Қодирийнинг “Сариқ девни миниб” асари...

— А-а-а, улуғ адибнинг шунақа асари ҳам бор эканми?

— Қизиқ экансиз-ку, газетада ишлаб шуни ҳам билмайсизми? — деди у уддабуронлик билан ўзининг “ҳақ” эканлигини исботлашга уриниб...

“Аттанг!” дея бошимни сарак-сарак қилиб ўйланиб қолдим. “Бежиз биздан олдинги таҳририятлар рад жавобини беришмаган экан” деган хаёлда кўз ўнгимдан унинг тўрт йиллик умри, тўлов шартномаси учун сарфлаган неча миллионлари, ота-онасининг умидлари ва ўқитувчиларининг бесамар сабоқларини ўтказдим...

АМАЛИЁТЧИЛАРГА “ОГОҲЛАНТИРИШ”

Ўтган йили пойтахтимиздаги бир қатор олий таълим даргоҳларининг журналистика факультетида таҳсил олаётган бўлажак журналистлар ўқув амалиётига келишди. 20, 25 кунлик амалиёт даврида улар билан республика матбуотида чоп этилаётган танқидий-таҳлилий мақолалар, мутолаа қилаётган китоблари, журналистик жанрлар ва соҳага керакли бўлган бир қатор мавзулар бўйича гаплашдик. Бироқ уларга амалиётдан кўра бошқа нарса муҳим эди. Бу ҳам бўлса “Деканат ёки амалиёт раҳбарининг икки ҳафталик ё уч ҳафталик амалиёт вақтида камида 3 та мақола чоп этиш керак” деган топшириғи. Йўқса, талабаларни якуний назоратдан четлатиш, курсдан-курсга қолдириш важлари билан “огоҳлантиришганмиш”. Эшитиб лол қолдим. Қандай қилиб, икки ҳафта ичида ҳали қўлидан эплаб таржимаи ҳол ёзиш ҳам келмайдиган амалиётчилардан бундай талабни уддалашни кутиш мумкин? У қандай декан, амалиёт раҳбари бўлди эканки, бундай талаб қўяди? Қолаверса, айнан амалиётга борганини исботлаш учун расм тушиш, уни “университет масъулларига” жўнатиб қўйиш ҳам асосий талаблардан бири экан.

— Устоз, камида 3 та мақола бўлиши керак. Майли, биттасини шу газетада чиқарсак, қолганини вақтинча бўлса ҳам сайтга жойлаб турсак бўладими, бирор ҳафтадан кейин ўчириб ташласангиз ҳам бўлаверади. Тўловини ҳам қиламан. Чиқса бўлди. Бўлмаса қийналамиз. Мана, ҳозир “тютер”имиз телефон қилиб яна огоҳлантирди, — дейди яна бир талаба кўзларини жовдиратиб.

Уларни кузата туриб, журналистика факультетларида ишлаётганлар тап тортмай кўзбўямачилик қилаётгани, “Куним ўтди, ойлигим ёнга қолди” деб вазиятга панжа ортидан қараётганини ҳис қилдим.

СОҲАДА АДАШИБ ЮРГАНЛАР

Юқоридаги ҳолатларни кузатиш асносида устоз журналист Темур Убайдуллонинг ушбу сўзлари ёдимга тушди:

“Бугун журналистика факультетининг аксарият талабалари ҳаваскорлик билан бу соҳага кириб келган. Таҳририга ва танқидга тоқати йўқ. Қўлида микрофонини тутганча ўзларидан даҳо журналист ясайди. Аксарияти эса пул топишга қизиқиб кетган... Касбни севмайди. Буюртма асосида қаҳрамон танлайди, асар ёзади ва ҳоказо... Булар аччиқ ҳақиқатлардир. Бугун умуман журналистик журъат, шахт ва ижодкорлик қобилияти бўлмаган кўплаб одамлар шу соҳада адашиб юрибди.

Яна бир нарса ачинарли. Аксарият журналистлар ўз касбини яхши кўрмайди. Журналистика даргоҳига бойиш учун қадам ташланмайди. Ўзбек журналистикаси бой ўтмишга эга, унга бойиш учун эмас, уни янада бойитиш учун қадам ташлаш керак. Журналист дегани касбни тасдиқловчи гувоҳномани кўтариб, уни ҳаммага кўз-кўз этадиган эмас, аввало, сўз юкини ҳис қиладиган одам бўлиши керак”.

Ҳақ гап. Устознинг гапларида жон бор. Шу ўринда сизларга яна бир мисолни келтириб ўтсам. Ўзим ҳам амалиётчи сифатида айнан журналистикада таҳсил олаётган талабалар билан суҳбатлашаман. Табиийки, нега айнан шу йўналишни танлашгани, келажакда соҳанинг қайси бирида ишлашни режа қилаётганини сўрайман. Афсус... минг афсуски, кўплари адашиб келишган.

— Дадам шунга кирасан деб туриб олдилар. Аслида, шифокор бўлмоқчи эдим...

— Бали пастроқ экан, қани ўқий-верай-чи, диплом бўлса, иш ҳам топилиб қолар...

— Матбуот котиблари маза қилиб юрибди. Жа бўлмаса, ўша ёққа ўтиб кетаман...

— Ахборот хизматини ахборот технологиялари деб ўйлаган эканман. Бунинг хато эканини ўқишга киргандан кейин билдим...

— Умримиз фақат тадбирлар билан ўтяпти, мактабда форма, соч, давоматдан зериккан эдик. Ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилибмиз...

— Тил ўрганяпман, барибир четга кетаман, қаерда, қайси бўлимда ўқидим — нима фарқи бор, домла?..


Ҳа, адашмадингиз. Булар айнан журналистикада таҳсил олаётган талабаларнинг фикрлари. Биласизми, уларнинг кўзларида олов йўқ, нур йўқ, шижоат йўқ. Тўғри, барчаси шундай дейишдан йироқман. Бу соҳани севган, қизиққан, қалам тебратаётган ёшлар ҳам бор.

Ҳа, “Журналист бўламан!” деган аҳд билан қўлга қалам олиб, қоғоз билан юзлашган эдим мен. Бироқ ўтган йиллар мобайнида шуни тушуниб етдимки, журналистика бир пиёла чой устида, кўк чойни хўриллатиб ичиб танланадиган касб эмас. Билъакс, соҳанинг ўзи, таъбир жоиз бўлса, тақдири азал одамни танлайди. Модомики шундай экан, журналистикага касб сифатида қараб, ундан турли манфаатлар кўзлаган муҳтарам талабалар вақтнинг борида яна бир мулоҳаза қилиб кўрсинлар. Эҳтимол, ҳали кеч бўлмагандир.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
“Hurriyat” мухбири.

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ:

“ҲАҚИҚАТ ШУКИ, МУКОФОТ БИЛАН МОҲИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ”



1-б.

— Ҳозирги дунёда барча одамлар энг кўп сўзлашаётган, энг баракали ва маҳсулдор мулоқот қилаётган, энг кўп ўрганилаётган, энг яхши натижаларга эришилаётган бу — инглиз тили. Инглиз тилини ҳозир тақдир шундай ўрин ва мавқега олиб чиқди. Америка, Англия, Канада, Австралия, Германия китоб ёзиш, чиқариш, тарқатиш ва шулар орқали жуда катта муваффақиятлар, амалий натижаларга эришмоқда. Бу мамлакатларда ҳар соҳада янгидан-янги китобларга бўлган талаб ниҳоятда кучли. Талаб кучли бўлгач, яъни аҳоли олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, тадқиқотчилар, инженерларни қистаб тургач, ўсиш, ўзгариш ҳам шунга яраша шиддат билан давом этади-да. Уларда баъзан китоб ҳали чиқмасдан обуна орқали сотилиб, тарқалиб кетади. Мавзулар ҳали қоғоз саҳифаларига тушмай реклама қилиниб, улар атрофида ажиотаж (шов-шув) бошланади. Жамият ҳамиша янги фикр, янги ғоялар билан яшаб нафас олади.

— Бугунги ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари дунё тилларига ўгирилмаётганлиги, дунё китобхонларининг ўзбек адабиёти билан танишлиги кўнгилдагидек эмаслигининг бош сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Тадрижий такомил деган тушунча бор. Ўзбек ҳамма нарса ўз вақтида пишади, дейди. Жамият изчил ва реал ишлаганда, кўзлаган натижасига эришади. Бизнинг жамиятимиз ҳозир шундай паллага аста-секин кириб бормоқда. Ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари — Қодирий, Чўлпон, Фитрат, янги замон адабиётининг намояндалари асарлари жаҳон тилларига ўгирилмоқда. Хорижий мамлакатларда ўзбек тили, адабиёти, санъати, маданиятига ҳар томонлама қизиқадиган, ҳар томонлама ўрганадиган ва буларга ўта масъулият ҳамда муҳаббат билан ёндашадиган одамлар (уларни Ўзбекистоннинг чин дўстлари, хайрихоҳлари деб атайлик) кўпайган сари маданиятимиз намуналарини хорижий тилларга адекват таржима қилиш ривожланади, мустаҳкам йўлга тушади. Ўзбекистоннинг ўзида ҳам ўзбек тили ва бошқа бир қанча хорижий тилларни адекват таржима қилиш лаёқати тарбияланган, бу соҳаларда асоси мустаҳкам билимларга эга мутахассис даражасидаги кишилар юзага чиқиб, фаолият майдони яратганларида бадиий ва илмий таржималар ўзаро гуллаб яшнайди. Бунда, айниқса, билимдон, кордон адабий агентларнинг етишиб чиқиши ва фаолият йўлларини очиши жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозир шундай агентларимиз йўқ даражада ёки бармоқ билан санарли оз. Яхши билиб олайликки, маданий Ғарбнинг адабиёт ва санъат дунёси адабий агентларсиз яшамайди, ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмайди. Ғарбда ҳар бир профессионал адабий агент муболаға бўлиб туюлмасинки, битта Ёзувчилар уюшмасининг ишини бир ўзи бажаради. Ёзувчининг асари қўлига киргач, у асарни баҳолайди, таржимон топади, нашриётлар билан гаплашади, келишади, ҳақ-ҳуқуқ, қалам ҳақларини келишади. Тарқатиш, хорижий тилларга ёйиш чораларини белгилайди. Яъни ҳозирги бизнинг ёзувчиларимиз ҳеч имкон топмайдиган барча ташкилий ишларни бажаради. Бизга шундай иш усули сув билан ҳаводек зарур. Шунда китобнинг янги ривожланиш йўли, тенденциялари бошланади. Ривожнинг бошқа йўли йўқ.

— Суҳбатлардан бирида: “Фикр адабиётини яратмоқчиман”, дегансиз. Бунга қанчалик эришдингиз?

— “Мансура” деган янги бир адабий жанрни юзага чиқариб, “фикр адабиёти” деган бир йўналишни бошлаган бўлдим. Мансуралар Фитрат, Чўлпон, Айний бошлаган ва гўзал намуналарини яратган эҳтиросли, жангжў сочмаларнинг узвий ва чамбарчас давоми эди. Назаримда, янги даврда адабий анъаналар янги қиёфа, янги либос талаб қилаётгандек бўлаверди. Кутилмаган фикр, кутилмаган ғоя шакл излай бошлади. Мен Фитратдан ташқари, Лубнонниг улуғ шоири Жуброн Халил Жубронниг мансур шеърларини қайта-қайта ўқидим. Назаримда, янги замон адабиёти мана шундай лўнда ва ўта эҳтиросли намуналар яратиши керакдай туюлди. Мансураларнинг бир қанча туркумлари юзага чиққач ва матбуот юзини кўргач, ўқилгач, замон адабиёти шундай шаклларни кенг истифода қилгандагина ўқувчиси билан жуда мустаҳкам алоқага эга бўлади, деган фикрим мустаҳкамланди. Вилоятларда мансурага қизиқувчи шоирлар пайдо бўлди. Улар мендан: “Мансуранинг қоидаси қандай?” деб сўрашди. Мен: “Бир мисрага қанча кўп фикр жойлай олсангиз ва бу фикрлар кутилмаган тембрда жўш уриб турса, ана шу мансура бўлади, бу “фикр адабиёти”нинг ибтидоси”, деб жавоб бердим. Шу-шу мансуралар — сочма оҳангдор проза “фикр адабиёти”нинг тимсоли бўлиб қолди. Мансураларим баъзан шундай ўзларини эркин тутишдики, улар баъзан ўта лирик проза, баъзан ўта эссе (бадиа), баъзан лирик танқид-мулоҳаза тусига ҳам кирди — ўзим ҳам билмай қолдим. Уларни тақриз ёки мақола деб бўлмасди, баъзан шунчалар шахсий ўйларга ўхшарди ва охири мансура ўз-ўзидан кўпая бошлади, шаклларини ўзгартиряпти, деган хулосага келдим. “Саксон билан тўқсон ораси” деган мансуралар туркуми қоғозга тушди. Лекин ҳамон уни ўқувчиларимга тақдим қила олмаяпман. Тушунарли бўлармикин? Мураккаблашиб кетмадимикин? Қариганда, яшаришга уриниш бўлиб қолмасмикин? Кексайганда саволлар исканжасида қоласан... Саволларингга жўяли жавоб топишга уриниб, ёлғизликни ҳам, кунлар, тунлар ўтиб кетаётганини ҳам билмай қоласан...

— Асарларни ўзбекчалаштиришда бугунги кунда дунёнинг қайси ёзувчиси сизни ўзига кўпроқ жалб қилмоқда ва нима учун?

— Умумжаҳон адабиёти хазиналарида ўзбек тилига ҳозир ва келажакда албатта ўгирилиши зарур бўлган буюк асарлар жуда кўп. Мен мисол учун ҳозир тилимизга Ф.М.Достоевскийнинг “Ўсмир” романини, Марсель Пруст, Фолкнернинг асарларини жонжон деб таржима қилган бўлардим. Фақат уларнинг устида узоқ ва жуда машаққатли меҳнат қилишга тўғри келади. Қанийди, ҳозир ёшим қирқда бўлсайди, деб ғайратим жўш уриб ўтираман. Аммо ҳақиқий аҳвол бошқа... Реалликларнинг тазйиқларини ҳисобга олишга тўғри келади...

— Ўзингиз кутилмаганда муваффақиятли чиққан таржима асарингиз қайси деб айтган бўлардингиз?

— Меҳнатим, пешона терим сингган асарларнинг барчаси ўзим учун жуда қимматли. Улар менинг ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги тасаввурларим, таассуротларим. Ҳаммаси ҳаёт ва инсон борасидаги менинг ўз версияларим. Уларда, чамаси, такрорланмас кайфиятлар мужассамлашган. Улар кимларнидир ўз ортидан эргаштиради, жозибаси, оҳанрабоси билан ўзига тортиб туради. Агарда бадиий таржима соҳасида яратган асарларимга келсак, негадир Хемингуэйдан қилган илк таржималарим — “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!”, Мопассаннинг “Азизим”, “Беш муқаддас китоб”, “Айюб нидоси”, Ницшенинг “Зардушт таваллоси”, Жойснинг “Улисс” эпопеяси ўлмас фасоҳати билан ўзига доим магнитдай тортиб туради. Умуман, барча бадиий таржималарим менга ғоятда қадрли. Чунки улар билан бирга мен халқим учун мангуликка ошно бўлганман.

— Китоб дўконларида бугун хилма-хил таржима китобларни кўришимиз мумкин. Уларнинг кўпида ҳам мазмунан, ҳам имловий жиҳатдан хатоларга йўл қўйилганига гувоҳ бўламиз. Қизиғи, бу манфаат ортида пайдо бўлган тахламаларнинг ҳам, афсуски, харидори бор. Шу ҳақида фикрларингиз.

— Менимча, аҳвол сиз саволингизда айтганчалик тушкун ва ночор эмас. Ҳозир китоб нашр этиш борган сайин кўпайиб боряпти. Ранг-баранг, жуда қизиқарли илмий, адабий-бадиий асарлар пайдо бўлмоқда. Бадиий таржималар, оригинал асарларнинг сифати, савияси, қизиқарли эканлиги турлича бўлса-да, кўпинча, жўнлик, сийқалик, юзакилик, сохталик яққол кўзга ташланиб қолаётган эса-да, орада ёрқин ва гўзал намуналар ҳам юзага чиқмоқда. Шарифжон Аҳмад Борхес ва Платоновни баланд бадиий савияда аслиятлардан ўзбек тилига ўгирди. Мириқиб ўқийсиз. Таржимон адиб сифатида ҳавас қилса арзийдиган маҳорат касб этаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳозир Рустам Жаббор, Рисолат Ҳайдарова каби ижодкорлар ҳалол ва таъсирчан таржималари билан ажралиб турадилар. Илмий-оммавий адабиётларни ҳам қиёмига келтириб ўзбек тилига аслиятдан ўгираётган бир қанча салоҳиятли қаламкашлар майдонга чиқмоқда. Ўқиб, беихтиёр “баракалла!” деб юборасиз. Шуларга қараб яқин келажакда ўзбек адабиётида иқтидорли ва чин мутахассис таржимонлар тўдаси, албатта, шаклланиб етишига ва бадиий таржима равнақи бошланишига ишонгингиз келади. Шунга интеллектуал тайёрланаётган ижодкорлар етишмоқда.

— Китоб маънавиятни ўстириш учун ўқилади, лекин барибир пайдар-пай чиқаётган айрим таржима асарлар уни ўлдиришга хизмат қилаётгандек. Балки таржима жараёнида онлайн, ижтимоий тармоқ ёрдамидан фойдаланиш бунга сабаб бўлаётгандир? Бу жараёнларни назоратга олиш керакмасми?

— Бунинг учун китобхонлар ва айниқса, нашриётлар назоратни эмас, адабий-бадиий талабчанликни оширишлари айни муддао бўларди. Тил маданияти, нутқ маданияти, таҳрир маданияти ҳозир бизга сув билан ҳаводай зарур. Кўпгина ижодкорлар, айниқса, шу уч соҳада ниҳоятда оқсамоқдалар. Ҳар бир фуқаро ўзини том маънода “ўзбек халқининг вакили” деб англамагунча ва чин шундай вакилга айланмагунча интеллектуал хомлик, ғўрлик, тубанлик давом этаверади. Буларни кўтариш, юқори савияга олиб чиқиш учун 200 дан зиёд университет-институтларимиз, уларнинг она тили ва адабиёт кафедралари, илмий тадқиқот институтлари, ўрта таълим ва бошланғич мактабларни тилимизнинг аниқ ва изчил, пухта ишлайдиган таянчларига айлантирмоғимиз зарур. Тинмай мамнун бўлиб юргандан кўра, тил ва маданият ислоҳотларида фақат аниқ-конкрет ишларга ўтиш зарур. Барча соҳаларда ўзбек тили қандай қўлланаётганини кунма-кун, соатма-соат кўрикдан ўтказиб боришга тўғри келади. Мамнуниятбозлик фақат турғунликка олиб боради. Хорижий тилларни қизиқиб ўрганаётганларни ғоятда қўллаймиз ва ёқлаймиз. Аммо уларнинг она тилини қанчалар эгаллаганликларини аниқлаштириш зарур. Она тилини аъло эгалламаган мутахассис хорижий тилларни мукаммал билиши қийин. Бу чала, бирёқлама билиш бўлади.

— Таржимон таржима учун асар танлашда нималарга эътибор бериши керак? Умуман, таржима жараёнида қандай деталларга аҳамият бериш лозим?

— Таржима учун асар танлаш ишнинг ярим муваффақиятини белгилайди. Аввало, таржима ўзбек китобхонига қанчалар фойдали, у ўзбек ўқувчиларининг маънавий-маърифий дунёсини қанчалар бойитади, руҳоний ҳаётимизга, тафаккуримизга қанчалар янгиликлар — янги ғоялар, янги қарашлар олиб киради, деганга ўхшаш мезонларга аниқ жавоб топиш зарур. Мен таржима, аввало, аслиятга тўла адекват бўлиши тарафдориман. Иккинчидан, таржима асарнинг бадиий нафосат хусусиятларини тўла акс эттириши зарур. Шу икки хусусият юзага чиқарилгандагина бадиий таржима ҳақида сўз юритиш мумкин. Аксинча, таржима йўқ ёки жуда сохта ва суюқ, айниқса, шеърий таржималарда суюқлик ва олтмиш фоизгача ўзидан қўшиш, тўқиб юбориш, шакл ва мундарижани вайрон қилишлар тез-тез учраб туради.

— Бугунги кунда ўзига хос услубда ижод қилаётган шоирларимиз ва ёзувчиларимиздан кимларни эътироф қилган бўлардингиз?

— Ҳозир кўп умидли иқтидор эгалари адабиётга кириб келяпти. Улар ичида, айниқса, Шуҳрат Маткаримов, Маъмура Зоҳидованинг қисса ва романлари ўзига катта эътибор қаратмоқда. Уларни бемалол хорижий тилларга таржима қилиш мумкин. Бу асарлар бугунги ўзбек адабиёти жараёнлари ҳақида яхши тасаввур уйғотади. Уларни янги ренессанс адабиётимизнинг ишончли ёрқин пойдевори деб айтиш мумкин. Холиёр Сафаров, Жасур Кенгбоев, Жонтемир, Тилланисо сингари ёши ўттиз беш-қирқларга яқинлашиб бораётганлар ижодида умидбахш изланишлар пайдар-пай кўзга ташланмоқда. Булар катта тўлқин, катта адабий оқимга айланармикин? Яқин келажак буни кўрсатади.

— Одамлар орасида матбуот нашрлари ҳақида: “Обуна қиммат, бунинг пулига бир камимни тўлдираман” деб қаровчилар жуда кўп. Наҳотки ҳаётдан мақсадларимиз тобора майдалашиб бораверса? Ана шулар ҳақида ҳам фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Газета-журналлар турли енгил-елпи йўл-йўриқлар, ҳийлаи шаръийлар қидирмасдан, саҳифаларини қизиқарли, одамлар қидириб ўқийдиган, уларни тамомила безовта қилиб қўядиган материаллар билан тўлдириб чиқарсалар, обуналари юз минг нусхадан кам бўлмайди. “Янги Ўзбекистон”, “Hurriyat”, “Жадид”, ҳеч бўлмаганда, “ Нью-Йорк таймс” билан мусобақалашсин, ундан кейин кўрайлик обуналар ҳақидаги беҳосил гаплар, аслида, қандай туюлишини. Газеталар ўз мавжудлиги учун йигитча бел боғлаб курашмаса, атрофида кучли журналистлар армиясини яратмаса, қайсидир “акахон”дан нималарнидир “умид” қилиб кун ўтказса, унда газетанинг газетлиги қаергача боради?.. Аллаким ўғлим сузишни ўргансин деб, уни океанга ташлаб юборган экан... Хўб ҳикмат-да...

— Қимматли вақтингизни аямай, суҳбатлашганингиз, саволларимизга жавоб берганингиздан миннатдормиз. Устоз, ҳамиша соғ бўлинг.

Суҳбатдош:
Гулнора ШЕРМАТОВА

ХОРИЖ

КОРЕЯ ЯРИМОРОЛИДА УРУШ БОШЛАНАДИМИ?

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Иннинг синглиси Ким Ё Чжон Корея яриморолида ва қўшни минтақада кучлар мувозанатининг бузилиши урушга олиб келишидан огоҳлантирган. Бу ҳақда “ТАСС” хабар бермоқда.



Унинг таъкидлашича, КХДР ўз ядровий арсеналини мустаҳкамлашда давом этади.

— Бугунги кунда Корея яриморолидаги ва минтақадаги душманлар билан бизнинг ўртамиздаги кучлар мувозанатининг бузилиши дарҳол урушни англатади. Бу инкор қилиб бўлмайдиган объектив воқелик, — деган Меҳнат партияси марказий қўмитаси раҳбари ўринбосари Ким Ё Чжон.

Сиёсатчи АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан ҳарбий манёврлар сонининг кўпайиши КХДР ва бутун минтақа учун тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид туғдираётганини билдирган.

“КХДРнинг мудофаа ядро кучларини мустаҳкамлаш сиёсати ҳозирги шароитда ягона тўғри танлов бўлиб, биз бу йўлдан четга чиқмоқчи эмасмиз”, — деган у.

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШАРТИ

Эрон президенти Масъуд Пезешкиён мамлакатига қарши ҳар қандай ҳужумга жавоб берилишини маълум қилган. Бироқ Исроил минтақадаги тажовузни тўхтатиб, сулҳ тузишга рози бўлса, бу жавобнинг хусусияти ва даражаси ўзгаришини айтган. Бу ҳақда “Anadolu” хабар бермоқда.



Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзга чиққан Пезешкиён Исроилнинг кучайиб бораётган тажовузкорлигига тўхталган. У АҚШ ва Европа етакчиларининг берган ваъдасини эсга олган. Улар Эрон ХАМАС сиёсий бюроси раҳбари Исмоил Ҳониянинг суиқасди учун Исроилга жавоб қайтармаса, Ғазода оташкесимга эришишга ваъда берган.

— Агар Исроил ўз хатти-ҳаракатларини қайта кўриб чиқса, ўт очишни тўхтатишга рози бўлса ва минтақадаги эзилган ҳамда бегуноҳ одамларни оммавий қирғин қилишни тўхтатса, бу бизнинг қасос олишимиз кучи ва турига таъсир кўрсатиши мумкин, — деган Эрон президенти.

ЯДРОВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА КЕЛИШУВ

АҚШ ва Жанубий Корея ядровий экспорт ҳамда ҳамкорлик тамойиллари бўйича дастлабки келишувга эришган. Бу ҳақда АҚШ Энергетика вазирлиги хабар бермоқда.



“АҚШ ва Корея Республикаси ўртасидаги чуқур ҳамда узоқ йиллик муносабатларга мувофиқ, 1 ноябрь куни ҳар икки давлат ҳам ядровий экспорт ва ҳамкорлик тамойиллари бўйича ўзаро англашув меморандумини имзолаш орқали фуқаровий ядровий ҳамкорликни ривожлантириш борасида муҳим босқичга эришди”, дейилган вазирлик баёнотида.

Аниқлик киритилишича, томонлар фуқаролик ядро технологиялари экспорти устидан назоратни кучайтирган.

НАТОнинг ЙИРИК АРТИЛЛЕРИЯ МАШҚЛАРИ

Финляндиянинг Роваярви ва Рованиеми ҳудудларида “Lightning Strike-24” артиллерия машғулотларини бошлаган, бу НАТОнинг Европадаги энг йирик артиллерия машғулотларининг бир қисмига айланган.



“Роваярви Шимолий Европадаги энг йирик ўқув ҳудуди сифатида иттифоқ кучларига ҳар томонлама ўт очиш машқларини ўтказиш учун ажойиб шароитларни тақдим этади. Биз бу йил шундай катта кўламдаги машқларни ўтказа олганимиздан жуда мамнунмиз”, деган “Lightning Strike-24” машғулотлари директори полковник Жанне Макитало.

Машғулотлардан асосий мақсад НАТОнинг шимолий йўналишдаги мудофаа қобилиятини намойиш этишдан иборат.

“Lightning Strike-24” машқи АҚШ раҳбарлигида альянснинг бешта давлатда ўтказиладиган “Dynamic Front-25” операциясининг бир қисмидир: Финляндиядан ташқари, Эстония, Дания, Руминия ва Польшада машғулотлар бўлиб ўтади.

Унда 28 давлатдан 5000 га яқин аскар ва зобитлар иштирок этмоқда.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси истеъдодли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мансур ЖУМАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТЎЙҲАТ ЎРНИДА

Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар орасида иқтидорли журналист, шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси Абдунаби Бойқўзиевнинг ҳам борлиги мени ғоят хурсанд қилди. “Ғуборингни ёзгайман”, “Сени излаб келдим”, “Жудолиғ дашти”, “Кўзлари дарёим!..”, “Ўзбекнаво” юлдузлари”, “Дилхирож туйғулар”, “Беш наво”, “Чўли ирофим”, “Беш сўмлик кеккайиш” каби ўнлаб шеърий, публицистик, ҳажвий китоблар муаллифи бўлган заҳматкаш ижодкор меҳнатларининг муносиб эътироф этилиши таҳсинга лойиқ эди. Давлатимиз раҳбари имзо чеккан Фармонни ўқирканман, шу кунларда 70 ёшни қаршилаш арафасида турган бу ажойиб инсон билан боғлиқ хотиралар беихтиёр хаёлимда жонлана бошлади.

КЎНГИЛ ОДАМИ

Ўша куни университетда дарслар ҳар галгидан эрта тугади.

— Дўстлар, бунақаси ҳар доим ҳам бўлавермайди. Келинглар, кинога ёки паркка борамиз, кейин бирон кафеда ўтирамиз, — дея мурожаат қилди старостамиз Мақсудали ака. — Ҳадемай сессия тугайди. Яна ҳаммамиз ҳар қаёққа тарқалиб кетамиз. Бугун бир яйрайлик.

— Зўр бўларди, шундай қилайлик, — таклифни бир овоздан маъқуллашди қийқиришиб курсдошларим.

Биз ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида сиртдан ўқирдик. Ҳар гал кузги ёки баҳорги сессияга келганимизда, дарслар, имтиҳонлар билан бўлиб, шаҳар айланишга деярли вақтимиз қолмасди. Ҳозирги вазият айни муддао эди.

— Сизлар бемалол бораверинглар. Норбой ака билан иккимизнинг борадиган жойимиз бор. “Совет Ўзбекистони” газетаси (ҳозирги “Ўзбекистон овози”)га бориб, Абдунаби Бойқўзиев билан учрашиб кетмасак бўлмайди, бир жойданмиз ахир, — деди кутилмаганда курсдошимиз Аҳмадали Қўлдошев “бизга узр” дегандек маънода.

Бу қандай учрашув эканки, курсдошлар биргаликда ҳордиқ чиқаришидан ҳам муҳимроқ, деган ўй хаёлидан ўтган сабоқдошларим ўшанда бу икки “ўйинбузуқи”га ҳам ҳавас, ҳам ажабланиш билан қараб қолишганди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) отахон газета ҳисобланиб, у ерда ишлаш ҳар бир журналистнинг орзуси эди. Энг қизиғи, мен ўша пайтдаги республика Марказий Комитети нашриёти босмахонасида айнан шу газетанинг саҳифаловчиси бўлиб меҳнат қилардим, яъни газета котибияти билан ҳамкорликда қўрғошинга қуйилган мақолалардан газета саҳифаларини тайёрлаб, босишгача бўлган жараённи олиб борардим. Дарров баланд бўйли, келишган, истарали, хушчақчақ Абдунаби Бойқўзиев кўз олдимга келди.

Бир бинода ишлаганимиз учун гоҳ-гоҳ йўлларимиз кесишиб турарди. Лекин у мени танимас, мен эса табиатимдаги тортинчоқлик боис, ташаббус кўрсатишга истиҳола қилардим.

Адашмасам, 1990 йилларнинг сўнгги ойларида Абдунаби ака таҳририятда кўринмай қолди. Билсам, тажрибали ходимлар қаторида янги ташкил бўлган “Халқ сўзи” газетасига ишга ўтган экан.

Йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверди. Энди мен меҳнат қилаётган нашриёт “Шарқ” деб атала бошланди. Фаолиятимда ҳам унча-мунча ўзгаришлар юз берди. Йигирма йиллик қадрдон газета тайёрлаш цехидан нашриётнинг Бош таҳририятига муҳаррир бўлиб ишга ўтдим. Бир куни бош муҳаррирмиз Аҳрор ака Аҳмедов менга бир қалин жилдда қўлёзма тутқазиб:

— Бу ишни ўзингиз олиб борасиз, — деди. Сўнг ортидан қўшиб қўйди: — Муаллифи нозиктаъб инсон.

Жилд юзига кўз югуртирдим. “Абдунаби Бойқўзиев. “Дилхирож туйғулар”. Лоп этиб кўз олдимга курсдошим Аҳмадали ака келди. Қаранг-а, шунга ҳам йигирма йилдан ошибди. Вужудимда ажиб бир эврилиш ҳис қилдим. “Абдунаби ака билан танишиш фурсатлари шу кунларга насиб қилган экан-да”. Хонамга кириб, жилдни очдим. Одамнинг қандайлигини унинг тутумига қараб ҳам билса бўлади. Қўлёзма дид билан тартибланган эди. “Аҳрор аканинг гапида жон борга ўхшайди”, дедим ичимда.

Шу кундан қўлёзмани ўқишга киришдим. Киришдим-у ундан чиқолмай қолдим. Тўпламга танланган публицистик мақолалар, эсселарнинг ёзилиш услуби, бири иккинчисини такрорламас воқеалар жонли, тушунарли, мароқ билан ўқиларди. Бу фазилатлар муаллифнинг салоҳиятидан, билим доирасининг кенглигидан, бадиятни чуқур англашидан ва катта тажрибага эга журналист эканлигидан далолат бериб турарди.

Шундай қизғин иш кунларининг бирида хона эшиги аввал тақиллаб, сўнг оҳиста очилиб, остонада Абдунаби Бойқўзиев кўринди.

— Ассалому алайкум!

Ўрнимдан беихтиёр туриб кетдим.

— Ва алайкум ассалом, келинг, Абдунаби ака.

Биз эски қадрдонлардек илиқ сўрашдик.

— Бош муҳаррир қўлёзмам сиздалигини айтди. Эшикдаги ёзувга қараб кириб келавердим, Қодиржон.

— Адашмадингиз, Абдунаби ака.

— Қўлёзмангизни атайин ҳамюртингизга топширдим, ака, деди Аҳрорбек, ё ҳазиллашдимди?

— Тўғри айтибди, мен Марҳаматданман.

— Эй, Муҳаммад Юсуф билан бир жойдан экансиз-да.

Шундай, бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашдик. Бир-биримиз билан танишгандек бўлдик. Албатта, қўлёзма ҳам ёддан чиқмади.

Кетиш арафасида Абдунаби ака шундай деб қолди:

— Қодиржон, ойда бир йиғилишиб турадиган давра ташкил қилсак, деган режа бор. Сизга, менга ўхшаган маънавият соҳасининг одамлари бўлади. Агар қўшилсангиз яхши бўларди.

Дабдурустдан қилинган бу таклифга мен нима деб жавоб беришимни билмай:

— Унақа давраларга кўпам хушим йўқроқ, — дедим ўзимни тортиб.

— Майли, сиз ўйлаб кўринг, дарров “йўқ” деманг, ҳали вақт бор. Бу ҳозирча бир яхши ният.

Шундай деб, Абдунаби ака хайрлашиб хонамдан чиқиб кетди.

Ўйланиб қолдим. Нима қилсам экан? Балки, шунчаки гапириб қўйгандирлар? Агар яна шу мавзу очилса, “йўқ” деб қўя қоламан. Тўғрисиям, бундай йиғинлар мен учун бегонадай эди.

Ниҳоят, қўлёзмани ўқиб тугатдим. Анчамунча саволлар йиғилиб қолди. Бу табиий, уларни муаллиф билан ҳал қилса бўлади. Лекин мени ўйлантиргани бошқа масала. Салмоқлигина бир мақолани китобдан олиб қўйиш лозим эди. Вазият шуни тақозо қиларди. Бош муҳаррирга тушунтирдим. Энди муаллифга ҳолатни айтиш керак. Энг оғири ҳам шу эди. Журъат топиб, бор гапни айтдим. Уни қабул қилиш Абдунаби акага осон бўлмади. Ўшандаги менинг аҳволим ҳам ҳавас қилгулик эмасди.


— Мақолани китобга киритмаслигингиз сабабини менга асослаб беринг. Мени ишонтиринг, — деди ўзини аранг босиб Абдунаби ака.

Талабнинг бу оҳангда кўндаланг қўйилишини тўғри тушуниб турардим. Мен қилган бундай “қисқаришга” ҳеч бир муаллифнинг шунчаки рози бўлиб кетавериши мумкин эмасди.

— Мақола китобнинг кейинги тақдирига хунук таъсир қилиши мумкин. Ҳар қалай, нашрлик сизга бегона эмас-ку. Бош муҳаррир билан ҳам гаплашиб кўринг, — маслаҳат берган бўлдим. Абдунаби ака ҳозирги ҳолатида мақоласининг ҳимояси учун ундан каттаси билан ҳам тортишишга тайёр эди.

Абдунаби ака кетди. Ичим хижил бўлди. Ўзим истамаган ҳолда бир инсоннинг дилини ранжитиб қўйдим. Яна кимни денг, узоқ йиллар ўзим ҳавас қилиб юрган инсонни. Начора, нашриёт муҳаррири ҳаётида шунақа воқеалар ҳам бўлиб тураркан-да.

Ниҳоят, китоб нашрдан чиқди. Бу муаллиф учун ҳам, муҳаррир учун ҳам қувончли воқеа. Ахир янги чиққан китоб ойлаб, баъзида йиллаб қилган меҳнатларинг меваси-да. Бир-биримизни табрикладик. Лекин кўнглимда оз бўлса-да, бир ғашлик бор эди. Абдунаби ака билан китобни тайёрлаш жараёнида тортишдик, баҳслашдик, менга нисбатан асл муносабати ўзгармадимикин? Шу ўй хаёлимдан ўтаркан, бирдан: “Етти-саккиз кишилик давра қилсак, бир пиёла чой устида ижодий суҳбатлар қурсак”, деган таклифи ёдимга тушди. Шунча ишдан кейин Абдунаби ака менга бу таклифни яна қилармикин ёки?..



Орадан анча-мунча вақт ўтди. Бир куни кутилмаганда ишхонамга Абдунаби ака яна кириб келди. Кайфияти чоғ. Салом-аликдан сўнг менга:

— Қодиржон, яна ўша гап. Даврамиз деярли шаклланиб бўлди, нима дейсиз, чиройли, дилтортар адабий давра бўлади, — деди.

Мен аллақачоноқ рози эдим. Китоб тайёрлаш жараёнидаги тортишувлар учун, шунга қарамасдан мен ҳақимдаги фикри ёмон томонга ўзгармаганлиги учун, бу гапларга бир неча йил бўлган эса-да, ўзига кўнгил яқин олиб, шу даврага чин дилдан таклиф қилгани учун, хуллас, кўнгли тоза, самимий, тўғрисўз, қатъиятли, энг муҳими, ишончли инсон бўлгани учун ҳам мен рози эдим.

2010 йилнинг баҳор кунларида биринчи “гап”имизни Абдунаби ака ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг пастидаги қулайгина масканда ташкил қилди. Шунга ҳам ўн беш йил бўлай дебди...

Мен билган Абдунаби ака ана шунақа инсон. Тилагим: Оилангиз, фарзандларингиз, набираларингиз, дўстларингиз, мухлисларингиз бахтига омон бўлинг!

Қодиржон ҚАЮМОВ,
“Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти катта муҳаррири.

ПАРОДИЯЛАР

Абдураззоқ ОБРЎЙ

ҲАВОЙИ ШЕЪР КЕРАКМАС

ЭРТАГА БИР ГАП БЎЛАР

Ғалатироқ тақдирнинг иши,
Тушма сира ўртага, дўстим.
Тугармиди дунё ташвиши,
Бир гап бўлар эртага, дўстим!

Ўлмасбек САМАРҚАНДИЙнинг
“Эртага бир гап бўлар” шеъридан.

Хотинингиз тунда бўлак ётдими,
Маза қилиб ё носдан отдими,
Ё бошингиз роса қотдими?
Майли-да, эртага бир гап бўлар.

Биров сизга гап отса... нақароқ,
Бўлманг, дўстим, ҳеч хафароқ,
Есангиз ҳамки ҳатто шапалоқ,
Майли-да, эртага бир гап бўлар.

Ичинг тўйиб хўп ёвғон шўрвани,
Бироқ ташламанг тешик тўрвани,
Тортолмасангиз ҳам ҳеч аравани,
Майли-да, эртага бир гап бўлар.

Манғлайдан артинг аччиқ терини,
Пайҳон қилманг ҳеч ўзга ерини,
Ўқинг Ўлмасбек ёзган шиғирини,
Майли-да, эртага бир гап бўлар.

СЕВГИЛИМНИНГ ТЎЙИГАЧА...

Йиғлаб-йиғлаб яшай олай,
Севгилимнинг тўйигача.

Сардор РАСУЛОВ қўшиғидан.

Сўнг роса изза қиламан,
Сўнг роса маза қиламан,
Мен шунақа ошиқ боламан.
Йиғлаб-йиғлаб яшаб олай,
Севгилимнинг тўйигача.

Бас, энди ўзим биламан,
Қўй, энди сўзинг бўламан,
Мажбурлаб бўса оламан.
Йиғлаб-йиғлаб яшаб олай,
Севгилимнинг тўйигача.

Улоқнинг зотин оламан,
Кейин-чи мошин оламан,
Кейин-чи хотин оламан,
Йиғлаб-йиғлаб яшаб олай,
Севгилимнинг тўйигача.

НИМА ЗЎР?

Бу дунёда нима зўр?
Шароб тўла кўза зўр.
Нози йўқ қиз боладан
Эрдан чиққан бева зўр.

Шамсиддин САДОИЙнинг
“Нима зўр?” шеъридан

Бу дунёда нима зўр?
Ҳар кун ичсанг бўза зўр,
Бу дунёда нима зўр?
Ҳар кун олсанг бўса зўр.

Бу дунёда нима зўр?
Тоғдан тушса кўчки зўр,
Гапдан қайтар эчки зўр,
Текин бўлса муччи зўр.

Бу дунёда нима зўр?
Маржа деган шўх қиз зўр,
Кўзин қисган кўк кўз зўр,
Ипин узган ҳўкиз зўр.

Бу дунёда нима зўр?
Тегса агар тошим зўр,
Наҳор еган ошим зўр,
Яна катта бошим зўр.

Бу дунёда нима зўр?
Кириллчадан лотин зўр,
Ушлаб кўрдим, олтин зўр,
Муштлаб кўрдим, хотин зўр.

Бу дунёда нима зўр?
Мен эрк бердим оғзимга,
Шира йўқдир шеъримда,
Бир кеп қолди ёздим-да.

ЭҲТИЁТ БЎЛ!

Аёллар бор, йўқ нарсани бор қилар,
Аёллар бор, борини ҳам йўқ қилар.

Ҳимматбахши МУСУЛМОНОВнинг
“Аёллар бор” шеъридан

Аёллар бор: хоҳлаганча отади,
Аёллар бор: пул берганла ётади.
Аёллар бор: чет элларда юради,
Аёллар бор: ҳатто эрин уради.
Аёллар бор: тагларида мошина,
Аёллар бор: дейсиз мисли ажина.
Аёллар бор: ўқиб қолса шеърингни,
Ҳимматбахши шилиб олар терингни!

САХИЙ ЭР

Берган бир бўсасига,
Мен бераман дунёни.

Абдул РАҲМОНнинг
“Мен ҳам дилдор васфида” шеъридан

Берган бир бўсасига,
Мошинимни бераман.
Берган бир бўсасига,
Олтинимни бераман.

Берган бир бўсасига,
Хотинимни бераман.

ЎЗИНГДИРСАН СЕВГИЛИМ

Сувга ташла, хоҳи ўтда ёқ,
Ўзингдирсан севгилим, иймоним.

Оқилжон ҲУСАНнинг
“Севги сатрлари” шеъридан.

Сочимдан торт, қулоғим чўз,
Муштла майли юзимга.
Қўлларингни бигиз қилиб,
Тиқиб олгин кўзимга.

Башарамга қум соч майли,
Кесак отгин, тош отгин.
Агар олма тополмасанг,
Картошка от, мош отгин.

Бир кам бўлиб юрмайин мен,
Сенсиз тўқсон тўққиздай.
Оёғимга арқон боғлаб,
Сўйиб ташла ҳўкиздай.

Сўнг қонимдан шароб қилгин,
Солиб катта бўчкага.
Ҳеч бўлмаса сиёҳ бўлсин,
Сенинг учун ручкага.

Қурбон қилай сен учун мен
Молу мулким, бор пулим.
Чидайман-да ҳаммасига,
Ўзингдирсан севгилим.

ИЧИМДА ИТ ЎЛГАН ЭКАН

Хаёлимга сен келганда,
Ичимда “қарс” этган надур?

Илҳом САЛИМОВнинг шеъридан.

Хаёлимга сен келганда,
Ичимда додлаган надур?
Хаёлимга сен келганда
Ичимда портлаган надур?

Хаёлимга сен келганда,
Нега ичим дамга тўлди?
Хаёлимда сен келганда
Эҳ, ичимда итим ўлди!

Мен бурнимни топиб олдим,
Тешигини ёпиб олдим,
Сотиб олиш учун пахта
Дорихона томон бордим.

Ичим катта, зўр қаср экан,
Ўлик ёмон сасир экан.
Ҳеч келмайсан, бир ёнимга,
Наҳотки ҳид таъсир этган!

ШЕЪРНИНГ ЁЗИЛИШИ

(Ўзимга ҳазил)

Эркинликка ишонч йўқ,
Ичимда шеър ёздим мен.
Бошқа жойда илож йўқ,
Ичимда шеър ёздим мен.

Аммо-лекин, бироқ бор,
Ҳамма жойда қулоқ бор,
Ҳозир кимда юрак бор,
Ичимда шеър ёздим мен.

Қоғоз керак бўлмади,
Бирор кимса кўрмади,
Кўнглим унча тўлмади,
Ичимда шеър ёздим мен.

Баҳор ўтди, ёз ўтди,
Куз ўзига хос ўтди,
Ёлғон ўтди, рост ўтди,
Ичимда шеър ёздим мен.

Эътиқод кетиб, рости,
Иштиёқ келиб, рости,
Эҳтиёт бўлиб, рости,
Ичимда шеър ёздим мен.

Калта қил сен ниятни,
Керакмас зиддиятни,
Қўявер “Hurriyat”ни,
Ичимда шеър ёздим мен.

Шеър ўзида нима бор,
Халқ кўзида нима бор,
“Халқ сўзи”да нима бор,
Ичимда шеър ёздим мен.

Шеърият инвалид-да,
Яшаяпман таҳдид-да.
Чиқмайди -ку, “Jadid”да,
Ичимда шеър ёздим мен.

Ҳосилсиз ер керакмас,
Хотинсиз эр керакмас,
Ҳавойи шеър керакмас,
Қачон ўзи ёздим мен?!





Муаллиф ҳақида:

Абдураззоқ ОБРЎЕВ (Абдураззоқ ОБРЎЙ) — 1956 йил Пастдарғом туманида туғилган. 1985 йилда Москва давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎзА), “Муштум” журнали, “Ватанпарвар” газетаси таҳририятларида ишлаган. Ҳарбий унвони подполковник. Ҳозирги кунда нафақада.

Ҳажвчи шоирнинг “Ҳўплам-тўплам”, “Ҳиринг-ҳиринг”, “Бўйдоқ аскар”, “Тухумнинг қудрати”, “Аёлнинг қулоғи”, “Рухсат этинг, шеър ўқийман”, “Сев, авайла, асра Ўзбекистонни”, “Уч нуқта”, “Мен ўша ўр, мен ўша зўрман”, “Ади-бади” сингари 15га яқин китоблари нашр этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва “1- даражали меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳиби.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ШЕЪРИЯТ

Замира РЎЗИЕВА

Айланади овозсиз дардлар

Тоза тафаккурга, ҳур тасаввурга,
Имонлар илҳақдир, виждон илҳақдир.
Ошно бўлолганким зиёга, нурга,
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Урчиган ёлғонга қарши кўнгиллар,
Ҳақиқат йўлида бахши кўнгиллар,
Мардлар майдонининг нақши кўнгиллар
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Тобеликка қарши дод, қалдироқлар,
Зулмат тўфонларин енган чироқлар,
Ёғийнинг адабин берган Широқлар
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Худбину лоқайдлик заҳри “мустабид”,
Кемиргай ҳар сичқон, тишлагай ҳар ит,
Маърифатсиз ЭРК йўқ деган ҳар жадид —
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Мен, мен... деган нафсин ўтларга отиб,
Ночорнинг кунига яраб, асқотиб,
Куйсаким мудраган қавмин уйғотиб —
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Ҳурлик деб чўғланиш бахт деган жонлар,
Соғиниш, йўқланиш бахт деган жонлар,
Ватанда уйғониш бахт деган жонлар,
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

* * *

Балки заифроқман кўринишимдан,
Билагим зўрмасдир боқсанг дафъатан.
Аммо баҳор, ёзим, кузу қишимдан
Тинмай меҳр ёғар бағрингга, Ватан.

Тўртов фаслим ишқнинг либосин кийган,
Ортда гул, дарахти яшноқ изим бор.
Ватан, дардингни ҳам ўзимдай суйган,
Меҳрин малҳам этган ўғлим, қизим бор.

Улар бизни жуфтлаб она Ватан дер,
Кўзлар тўла меҳр, қалб тўла қадр.
Сен ҳам менинг каби ишончингни бер,
Улар ҳамишалик ҳимоянгдадир.

Муҳаббатли вужуд заиф бўлмас ҳеч,
Тупроқни сурмалар айлаб ёнаман.
Кунингга ярайман дея тонгми, кеч,
Қаторингга мардлар қўйган Онаман.

Муҳташам қўрғонсен, зўрсен, буюксен,
Оловлар сачрасин айтар сўзимдан.
Сени кўзга илмас ғанимки қўрқсин,
Қаторингда турган ўғлим, қизимдан.

* * *

Оқиллар севгисин айтиб ҳайқирмас,
Ватанни элитмас маддоҳнинг турки.
Ўзидан аввалроқ гапиргай бесас,
Елкага олинган Ватаннинг юки.

Оқиллар иззату мавқе тиланиб
Кўрган китобларин сонин санамас,
Мавқе келаверар унга эланиб,
Илмига амали вожиб бўлса бас.

САККИЗЛИК

Сездим моҳияти недир ҳаётнинг,
Банди этди улуғ дийдор истаги.
Сездим ошиқликнинг кашфиёти минг
Ва сабру саботи... минг бир тусдаги.

Сездим, жисму жоним ишқ ичра бугун,
Қай тонг куртак ёзиб, қай тонг гулларман.
Мен туриш-турмуши яшил боғ — Мажнун,
Ул ёрга ичикиб хатлар йўлларман.

ИҚРОР

Энди менинг туним бедор сени ўйлаб,
Кундузларим кашф этар сен севган гулни.
Чарчамасман ойми, фасл ва ё йиллаб,
Топгунимча ҳузурингга борар йўлни.

Васл ишқи сархуш этгич гулобимдир,
Қорачиғим исминг ёзиқ китобимдир,
Муҳаббатинг маним ойим, офтобимдир,
Топгунимча ҳузурингга борар йўлни.

Аламларга саботим бор, дардга сабрим,
Гумонларни ёриб йитгай нишу заҳрим,
Буюк дийдор — буюк истак, буюк фахрим,
Топгунимча ҳузурингга борар йўлни.

Кўзни юмсам кўнгил кўзи кўргай сени,
Севдим жисму жони фидо қулдай сени,
Нисор этгум оромларнинг ҳаммасини,
Топгунимча ҳузурингга борар йўлни.

* * *

Изтироблар қийнар куйган юрагимни,
Дунё, сенинг тарозингни қийшиқ кўрдим.
Билмай қолдим қайси йўлдан юрмагимни,
Ўнгда риё, чапда ёлғон-яшиқ кўрдим.

Дасти узун, макри минг туски айёрлар,
Ҳар соддага ҳар лаҳза панд бериб яшар.
Муҳаббати арзонгаров, ёлғон ёрлар
Хиёнатнинг тилига қанд бериб яшар.

Ишқ деганлар узун-узун дардга эга,
Кесакдиллар ҳиринглашиб ичарлар май.
Нафиса дил тошбағирни севди... нега?
Сўраб эзгин оҳангларда йиғлади най.

Донишфикр хокисорга пойгак тегиб,
Уй тўрида ўтиради маддоҳлар хуш.
Кир панжада ҳақиқатнинг бошин эгиб,
Кимдир “осмон қўлимда” деб юради хуш.

Дунё бир кам деб айтдилар,
Ростмиди ё,
Борми сенинг бу камликдан эзилганинг?
Берармисан саволимга жавоб, дунё,
Билармисан тарозингнинг бузилганин.

* * *

Бошқачароқ ўйла, бошқача яша,
Ўқий бил юз йиллик мозий сатрини.
Бўй-бастинг кўринсин кунга яраша,
Кўтар кўксингдаги ҳурлик қадрини.

Алданиш гумроҳлик, адашиш гуноҳ,
Йўл изла ўгитлар ўчмаган хатдан.
Ана, майса гувоҳ, ана, гул гувоҳ,
Суянгиси келиб жилмайди Ватан.

Юрагинг ҳимоя ҳаддин ушласин,
Келиб етди ҳушёр яшаш хонаси.
Мудрама, кафтингдан қулаб тушмасин,
Равзайи жаннатнинг таклифномаси.

Ўз ризқингни ўзинг шукур қилиб е,
Гунг турмагин бахтдан баҳс
бошланган пайт.
Юрт, элим ҳеч кимга қарам эмас де,
Қарам бўлмайди де, мен борман, деб айт.

“КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР”НИ ЎҚИБ...

Кимнинг боласисан, Қаноат,
Айт сени ким туққан, Ирода.
Елкангдаги кунлар шунча зах,
Елкангдаги кунлар ғамбода.

Тиканли, чириган арқон йўлингми?!
Қонталаш товонинг изларин кўрдим.
Сенга қўлларини чўзган ўлимми?!
У арқонга бунча ёнма-ён юрди.

Бугун кенг дунё лол,
Бағрин қаричлаб,
Минг бор ўлчаб йиғлар ўз оёқ-бошин.
Қаерга қўяди энди...
Жой тор-ку,
Ярадор юраклар кўтарган тошин.

ҲОЛАТ

Тўлғин кўнглим кўриниши — куз,
Айтарларим чўғланган барглар.
Бир ҳикоя айланар бесўз,
Айланади овозсиз дардлар.

Шамолларда вазмин бир наво,
Оқил дунё чайқалади жим.
Юзларимни ўпар нам ҳаво,
Тўкила қол, тўкил, эй, кўнглим...

ОНАМ БИЛАН СУҲБАТ

— Сиздан кейин билдим, она,
Ҳаёт шундай қаттиққўл.
— Сен сабр топ, сабр яна,
Менинг асл болам бўл.
— Юрагим катта эди,
Иғво, ғийбатлар еди.
— Булар ҳам битта синов,
Йиқилма, болам, дарров.

— Тўхтама деб айтгандингиз,
Юргизмайди чоҳлар кўп.
— Сен ўзингда ғолиблик сез,
Матонатнинг қўлин ўп.
— Ногоҳ келган найзаларга
Тўлди орқа курагим.

— Кўз олдингда турсин, болам,
Менинг дарё юрагим.
— Яқинимнинг хиёнати
Айламоқ истар майиб.
— Тишни тишга босиб... ютин,
Мағрур қара... жилмайиб...

— Тун бағрини қийнаб қўйди,
Она, кўздаги жолам.
— Бас, йиғлама, жоним куйди,
Тиловат бошла, болам.

ЧИМИЛДИҚ

Момомдан қолган палак
деворингми, чимилдиқ?
Севиб, севилган малак
Дилдорингми, чимилдиқ?
Сен энг улуғ, муҳташам,
Гўша бўлдинг муҳтарам,
Сўзлаб турар пар тўшак
Чиройингни, чимилдиқ.

Қутлуғ уйнинг бурчагин
Шунчалар сеҳрлайсан.
Сен Хизр бобо берган
Беназир меҳрдайсан.
Ҳарир либос жононнинг,
Жононни суйган жоннинг



Муаллиф ҳақида:

Замира РЎЗИЕВА — 1957 йилда Андижон шаҳрида туғилган.

ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетида таҳсил олган.

1991-1996 йилларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси муассислигидаги “Ishonch” газетасининг, 2013-2017 йилларда “Миллий тикланиш” ижтимоий-сиёсий газетасининг Андижон вилояти мухбири бўлиб ишлаган.

Шоиранинг “Мунаввар юртим”, “Гул ислари”, “Атиргулга айланаман”, “Офтобжамол”, “Жон риштаси”, “Сарчашма”, “Ташнадил”, “Умид боғи”, “Рўшнолик”, “Ҳайратнинг суврати” каби ўндан ортиқ китоблари нашр этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан чиқарилган “Ким эдиг-у ким бўлдик?”, “Авлодлар йўли”, “Минг бир ибратли ҳаёт”, “Бугуннинг нафаси”, “Улуғ салтанат васфи” номли тўпламларида публицистик очерклари чоп этилган.

Болалар учун “Зийнатбоғ”, “Ҳалинчагим, онамдайин азиз юрт” номли китоблар муаллифи.

“Олтин қалам” миллий мукофоти соҳибаси. 2015 йили “Шуҳрат” медали билан, 2022 йилда Халқаро Бобур мукофоти билан тақдирланган.

Яқинда қатағон қурбонлари мавзусида “Кул босган чўғлар” номли ҳужжатли қиссасини ёзиб тугатди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Юрагига гулханлар,
Гулзорлар муҳрлайсан.

Боғ айланган гулнафас
Хаёлмисан, чимилдиқ?
Нигоҳи, нури нафис
Ҳилолмисан, чимилдиқ?
Орзумисан ошиққа,
Мавзумисан қўшиққа,
Бегона кўз тушмаган
Висолмисан, чимилдиқ?

Тоза ҳислар, туйғулар
Ғунчаласин, гулласин.
Гувоҳ бўлсин парқулар,
Аршга салом йўлласин.
Садоқатни сақлагин,
Орзуларин оқлагин,
Кўнгилларни қовуштир,
Парвардигор қўлласин.

ҲИКОЯ

Азиз НЕСИН

ЭСКИ РИМДА ЯШАГАН ОДАМ



Сўзлаб бермоқчи бўлган воқеам милоддан аввалги 128 йилда содир бўлган. Илтимос, яхшилаб эътибор беринг, содир бўлди демаяпман, содир бўлган. Чунки мен бу воқеани тарих китобларидан ўқиганим йўқ, шахсан ўзим гувоҳман.

“Таносуҳ” аталган руҳий ҳолат, яъни ҳозирги инсонларнинг кўп йиллар илгари бошқа бировлар ёхуд ҳатто ҳайвонлар ўлароқ яшаганларига ишонасизми? Истасангиз ишонинг, истамасангиз йўқ, каминани бу қизиқтирмайди асло.

Мен ўтган оқшом — бундан икки минг саксон тўрт йил олдинги ҳаётимни бошқатдан яшадим. Ҳали “руҳул-қуддус” абадий бокира Ҳазрати Марямнинг қорнига кирмаган, яъни ҳали ўртада Ҳазрати Исонинг на номи, на нишони бор. Милоддан аввалги 128 йил... Мен римликман. Плафиум тоғининг этагидаги кенг ва улкан боғ ичида шинам виллам бор. Уч кеча аввал вилламга бир гуруҳ меҳмонлар келди: Валустус, Юлиус Перус, Сомпеиус, Тицерон ва бошқалар. Хуллас калом, барча яқин дўстларим келишганди. Сиз уларнинг бироргасини танимайсиз. Шу боис сизга уларни бироз таништира қолай. Дўстим Валустус машҳур гладиатор. Яқинда Колизейда жуда таниқли бир гладиатор билан курашди. Бу жангни кўришингизни жуда истардим. Икки гладиатор майдонга чиққанида, Колизейни тўлдириб ўтирган олтмиш минг одамнинг шовқини одамни гаранг қиладиган даражада баландлади. Ҳозирги даврда партия йиғилишлари, шунингдек, миллий терма жамоаларнинг футбол ўйинларидагина бунчалик шовқинга гувоҳ бўлиш мумкин.

Дўстим Валустус ҳурмат бажо айлаб, консул минбари сари юз тутди, у билан саломлашгач:

— Алвидо, қадри баланд консулимиз, ҳозир ўлимга юз тутаётганлар сенга чин дилдан салом йўллайди! — дея бақирди.

Оломон бу оташин нутқни шундай олқишладики, сиз бунчалик шовқинни ҳозир яланғоч қиз раққос иштирокидаги телешоулардагина кўришингиз мумкин. Икки гладиатор нақ уч соат жанг қилишди. Якунда дўстим Валустус душманни чорасиз қолдириб, ерга йиқитди. Ердаги гладиаторнинг ярқираган кумушранг зирҳи остида кўксининг қандай дупурлаётгани кўриниб турарди гўё. Енгилган гладиатор қўлининг икки бармоғини консулга узатди. Ўлдирмаслиги учун афв тилади. Лаззатланган томошабинлар:

— Ўлим, ўлим!.. — дея бақиришди. Бу худди футбол ўйинларидаги мухлисларнинг “Тепп! Теппп! Ёриб ташла тўпни!..” деган чуввосига ўхшарди.

Консул арслон панжасига ўхшаган қўлини минбарининг олдини ўраган, олтиндан ишланган матога узатди, сўнгра тиржайди. Бошини секин қуйи эгди. Бу Валустусга ишора эди. У “Душманнинг ишини битказ!..” деяётганди. Валустус қиличини яланғочлаб, ерда ётган душман юрагига санчди. Хуллас, менинг жасур дўстим Валустус шундай одам.

Келганлардан биттаси Юлиус Перус — бирга қонли жангларга кирган биродарим, машҳур қўмондон. У Ҳелленизм қироллигини қулатган лашкарни бошқарган.

Дўстим Сомпеиусга келсак, у илгарилари қул эди. Бироқ машҳур шифокор ва файласуф бўлгани, шу билан бирга, хўжайинини оғир хасталикдан қутқариб, жонига ором киргизгани учун уни озод қилишган. Қулликдан партиягача кўтарилган, у ўта ақлли ва донолиги боис ҳатто Трибуна мажлисида трибун этиб сайланган.

Дўстим Тицерон ёшлигида Римнинг энг яхши аравакаши, кўплаб мусобақалар ғолиби эди. Ҳозир эса бу ишни ташлаган, шеъру пьесалар ёзади.

Уйимдаги йиғилиш зап яхши бўлди. Чолғувчилар ҳарп, лира, гитара, флейта чалишди. Раққослар энг янги ва яхши рақсларини ўйнашди. Ичкилик селдек оқди. Бу сафар Валустус даврамиз чемпиони бўлди. Уч кун давомида у ётган диванига нақ йигирма марта егулик ва ичкилик тўла патнис келди. Тўрт марта қусди, кейин яна еди, ичди. Тушундингиз-а, нимадан чемпионлигини?! Бунчалик еган одамни сиз, балки, журналистлар шарафига уюштирилган зиёфатларда кўргандирсиз... Жуда гўзал йиғилиш бўлди. Уч кун давомида тинимсиз еб-ичилди. Кейин барчамиз бундан чарчадик. Ҳозирги очилиш маросимларидаги зиёфатларга ўхшаган бир нарса эди бу. Уч кундан сўнггина ўзимизга келдик.

Илиққина ҳаммом қабул қилгач, баданимга ифор берувчилар септдим, оппоқ ва бежирим халатимни кийиб, ташқарига чиқдим. Қаерга боришни билмай гаранг эдим. Сўнгра қўшним Плебиуснинг вилласига йўл олдим. У:

— Эртага овга чиқамиз, одамларинг билан тайёрлан! — деди.

— Эртаги иш-ку, майли, — дедим, — бугун нима қиламиз?

Плебиус билан бир партияга аъзомиз, очиғи, унинг партияга каттагина хизматлари сингган.

— Истасанг, мусобақага борайлик, — деди, — баҳслашишга сабаблар кўп.

— Чарчаганман, Плебиус, — дедим.

— Ундай бўлса, амфитеатрга борайлик, яхши беллашув бор, — деди.

Дўстим Плебиус билан амфитеатрга йўл олдик. Ҳесапиануснинг бир комедияси саҳнага қўйилаётганди. Тўғриси, бу ярамасни ҳеч ёқтирмайман. Тилини узиб олсанг арзийди, тили заҳар. Ҳар ўйинида ё Сенатни ёмонлайди, ёки Қурия мажлисини... Ё консул ҳақида бўлмағур гаплар минғирлайди, ёки Претур борасида. Неча марта: “Шу ярамасни йўқотайлик, йиғилишда заҳарланган шароб берайлик”, дедим. Бизнинг файласуф Сомпеиус:

— Рим — республика, бу ерда унақаси кетмайди, ҳамма истаганича ёзади, сўзлайди, — деди.

Жуда жаҳлимни чиқаради бу Ҳесапианус деган ярамас. Мен консулнинг ўрнида бўлсам, уни циркдаги қутурган оч қоплонларга ем қилардим. Унинг гўштини еган қоплонлар ҳам заҳарланарди ҳатто, мараз, ярамас...

Оломон ҳам асабимни бузади. Шу тўнка ёзган асар саҳнага қўйилгудек бўлса, амфитеатрни тўлдиришади дарров. Бироқ келганлардан кўпчилиги плебуслардан, партиячилар, яъни ўз товоқдошларидан кам одам келади унинг томошаларига.

Ҳесапианус ўша кунги асарида яна бизнинг партия ҳақида сўз очганди. Гўё бизникилар сайловчиларни алдаган, берган ваъдалари устидан чиқмаётганмиш. Тўғридан-тўғри сўзламай, нақадар қоғозга ўраб айтмасин, барибир тушунса бўларди. Томоша тугаганида олқишдан амфитеатр қулаб кетай деди. Мен эса роса сиқилдим. Туртиниб-суртиниб вилламга келдим. Қарасам, виллам олдида оломон тўпланган. Нималар бўляпти? Қулларим ташқари улоқтирилган. Биттасидан:

— Нималар бўляпти? — дея сўрадим.

У:

— Афандим, — деди, — аскарлар ўғлингиз Кабакиусни ушлашга келишибди.

Ўғлимни ушлашга келган аскарлар бошида дўстим Юлиус Перус ҳам бор эди.

— Бу қанақаси Перус? Ўғлимни нега олиб кетмоқчисизлар? — дедим. У:

— Аниқ сабабини билмайман, лекин айтишларича, ўғлинг бир шеър ёзган, бир мисрасида “Римга олиб борар йўллар ёпилган”, деб ёзган.

— Э, бу қанақаси тағин? Қувур чуқурлари қазилгани учун йўллар ёпилган. Ёлғонми ё?

— Балки, айби бу эмасдир, балки, шу, билмайман. Ҳамма билган ҳақиқатларни очиқ айтиш баъзан айб саналади. Мержимекиуснинг нега ўлдирилганини эслярсан. Римнинг республика билан бошқарилишини билган ҳолда у “Рим республикадир!” дея бақиргани учун қатл этилганди. Нега ушлансин дейишди, мен билмайман, бироқ қўлимда буйруқ бор.

— Юлиус Перус, бу буйруқни ким берди? Дарҳол айт, Юпитер ҳаққи-ҳурмати, ичагини бошига салла қиламан унинг.

Ханжаримни қинидан чиқардим. У қўлидаги қоғозларни узатди:

— Мана, сенинг душманинг шу қоғозлар, — деди. — Амр шунда. Марс ҳаққи, қасам ичаманки, ўғлингни ўзимдан-ўзим тутаётганим йўқ. Ахир биласан-ку, ўз ишимни бажаряпман, холос.

— Тушундим, иш бу иш, — дедим. — Бироқ бу буйруқни ким берди сенга?

— Қўшин қўмондони Полакиус.

Ғазаб отини жиловлаёлмай қўшин қўмондони Полакиуснинг ёнига кетаётганимда, йўлда файласуф дўстим Сомпеиус билан учрашиб қолдим.

— Бабариус, қаёққа шошиляпсан бунча, нима, орқангдан жаҳаннам худоси қувлаяптими? — дея сўради.

— Плутон мени жазоласа ҳам майли, аммо шу қўшин қўмондони Полакиусни асфаласофилинга жўнатаман. Ўғлим Кабакиусни ушлаш ҳақида амр этибди.

— Полакиус ўз-ўзидан қилмаган бу ишни. У ҳам бирор жойдан олган бўлса керак буйруқни.

— Мен Холис ватандош партияси аъзоси эмасманми ахир, Сомпеиус? — дея сўрадим.

— Ҳа, — деди у жавобан, — сен эски римликлардансан. Римлик ота-онадан дунёга келган маҳаллий фуқаросан.

— Мен ер, мол-мулк ва қуллар соҳибиманми?

— Ҳа, Бабариус.

— Бу тўнкаларни ишга киргизиш учун овоз берганманми?

— Бергансан, дўстим.

— Шундай экан, тўғрими менга қилинган шу иш? Ноҳақлик эмасми бу?

— Ноҳақлик, биродар.

— Шундай экан, бу ноҳақликни қилган бир ярамас бор. Юпитер ҳаққи, унинг бошига етаман бугуноқ.

— Шошилма, Бабариус. Агар ҳақиқий айбдорни топсанг, ўлдиролмайсан. Ханжаринг унинг юрагига эмас, қинига киради.

— Аҳд қилиб бўлдим аллақачон. Кўрасан мана... — дедим.

Шоҳона кўйлагимнинг этагини учирганча, қўлда ханжар, югура кетдим. Қўшин қўмондони мудири Полакиусга:

— Тўғрисини сўзлагани учун ўғлимни ушлашга амр этган сенмисан? — дея сўрадим.

— Менинг айбим йўқ, мана, шаҳарбошининг буйруғи, — деди.

Шаҳарбоши томонга югурдим. У ҳам:

— Мен буюрилган ишни қиляпман, бўлди, — деди. — Мана, Рим ҳокими Зибариуснинг буйруғи.

Сўнг унинг ёнига шошилдим.

— Ўғлимни сен ушлаттирдингми?

— Йўқ, Бабариус. Тўғрисини айтгани учун бир йигитчанинг ушланишидан мен ҳам жуда ранжидим.

— Шундай экан, айбдор ким? Менга бир қанча қоғоз парчалари, доираларнинг тош деворларини кўрсатишади. Ўғлимни тўғрисини айтди дея бу қоғозлар, бу мармар деворлар ушлаб турибдими? Қоғозларни сўйиб ташлайми? Деворлар бағрини ўяйми?

Зибариус ҳам бир қанча қоғозни узатди.

— Мана, Трибуна мажлисининг амри, — деди, — остида уч трибуннинг имзоси бор.

Дарҳол трибунлар сари югурдим.

— Мен Рим учун қон тўккан Бабариусманми?

— Қаҳрамон римлик, партиямизнинг энг фаол аъзоси Бабариус, саломлар! — дейишди бир овоздан.

— Салом ҳам, қаҳрамон ҳам ўлсин! — дея бақирдим. — Ўғлимни ушлашга сиз буйруқ бердингизми?

— Биз нега бундай қилар эканмиз, асло, — дейишди. — Консул амр қилган.

— Консулми? Фарқи йўқ, ким бўлишидан қатъи назар, бу ноҳақликнинг жазосини чекажак, — дедим.

Қўлимда ханжар, Консул Октамируснинг қаршисига чиқдим.

— Айт, менинг душманим сенмисан? — дея бақирдим.

У:

— Ақлдан оздингми, Бабариус? — деди. — Мен қирол ё диктатор эмасман ахир. Рим республика билан бошқарилади. Мана, ўғлингни ушлаш буйруғи.

— Яна қоғозларми? Нима, ўғлимни шу қоғозлар ушлашяптими? Биров айтсин ахир, қайси занғарнинг иши бу?

— Бу амрни Сенат берган, Бабариус. У аъзоларнинг қарорлари билан амалга оширилади.

Шамол тулпорини қамчиладим. Мутлақо душманни топиш илинжида эдим. Йўлда ўша омадсиз кимса билан тўқнашдим, ўша — Сенат ҳақида танқидий, кулги остига олинган асарлар ёзадиган драматург Ҳесапианус билан.

— “Римга олиб борар йўллар ёпилган” дегани учун ўғлимни ушлашибди, Ҳесапианус, — дедим. — Бу ноҳақлик эмасми ахир?

— Ҳа, ноҳақлик... — деди у.

— Бу ноҳақликни қилган ким? Душманим ким менинг? — дея сўрайман, — Менга амрлар ёзилган бир даста қоғозни кўрсатишади. Айт, ахир шу қоғозларнинг бошига етайми? Бу ноҳақликни қилган аблаҳ қаерда, айт?

— Нима қиласан ўша аблаҳни?

— Юпитер ҳаққи, ичагини калласига салла қилиб ўрайман, умрини битираман, кўкси ханжарим тиғига нишон бўлади.

У ҳам файласуф дўстим Сомпеиус каби:

— Айбдорни топсанг, ҳеч нарса қилолмайсан, — деди.

— Қилолмайсан? Мана кўрасан. Ваъда бераман, тамом у. Бу қоғозларни илк чиқарган одамни ахтаряпман, — дедим.

— Шак-шубҳасиз, Сенат у, — деди.

— Шундай, — дедим.

— Сенат аъзолари кимлар?

— Бизнинг партиядагилар.

— Уларни ким сайлаган?

— Мен!

— Ҳалиям айбдорни излаяпсанми?!

Ханжаримни олиб, кўксимга суқдим. Оппоқ ва қимматбаҳо шоҳона кўйлагим қирмизи қонга бўялди. Айбдорни топган ва ўлдиргандим...

Ишонаверинг, инсоннинг илгари қайси вақтда, қандай ҳолатларда яшаганини хотирлашдан оғир нарса йўқ. Хўш, ростини айтинг-чи, орангизда мендек милоддан аввалги 128 йилда Рим Республикасида яшаган бирор одам борми?

Турк тилидан Раҳмат БОБОЖОН таржимаси.

ҚАДРИЯТ

ҚАЙГА БОРМАЙ, БОШДА ДЎППИМ...

Бундан беш аср муқаддам шеъриятимиз қуёши ҳазрат Мир Алишер Навоий фахр билан:

Шоҳу тожу хилъатиким,
мен тамошо қилғали,
Ўзбаким, бошида қалпоқ,
эгнида ширдоғи бас, —

дея ёзган эдилар. Дарҳақиқат, ўша кезларда ҳам “қалпоқ” ва “ширдоқ”, яъни дўппи ҳамда тўн миллатимизнинг қадриятлари сифатида эъзозланган. Бироқ XX асрнинг ўрталарига келиб, дўппи ва тўн киядиганлар тобора сийраклашиб борди. Дўппилар ўрнини оврўпача бош кийимлар — шапка, кепка ва шляпалар эгаллай бошлади. Шу боис миллатсевар шоир Муҳаммад Юсуф:

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан бошқа... —

дея ёзғириб байтлар битган эди.

Яратганга шукурки, мустақилликдан кейин дўппилар бошларимизга қайтди. Илгарилари ишга дўппи қўндириб борсак, ҳамкасблар: “Тинчликми...” деб сўрагувчи бўлди. Чунки дўппи ва тўн, асосан, таъзия кунлари кийиладиган бўлиб қолган эди-да. Қолаверса, шўролар салтанати даврида шапка ва кепка сиёсий атрибутга ҳам айланган эди. Бу ҳақда кулгили латифалар ҳам тўқилган. Шулардан бири:

“1967-1968 йиллар, “Гулистон” журналининг халқимиз маънавияти оламида туб бурилиш ясаган — Иброҳим Раҳим муҳаррирлигида чоп этилган юлдузли йилларида Эркин Воҳидовнинг ўз вақтида адабиётимизда жуда катта шуҳрат қозонган “Ёшлик девони”га киритилган “Узум”, “Дилдорга нома ёздим” сингари машҳур ғазаллари қатори “Ўзбегим” қасидаси ҳам эълон қилинадиган бўлибди. Лекин уларнинг эълон қилиниши номаълум сабабларга кўра, орқага сурилибди. Шоир сабр билан натижани кутибди... Иттифоқо, бош муҳаррир уни ҳузурига чақириб, дебди:

— Эркинжон, замонни биласиз, бу шеърларингизни шундай чиқариш ноқулай, ўйлаб-ўйлаб бир йўл топдим. Шунга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб турибди.

— Майли, — дебди Эркин ака, — нима қилишим керак?

Лекин шоир ўйлаб қолибди: “Арузни бармоққа айлантириб берине”, демас, “Босолмаймиз”, десалар-а?”, “Бирорта ғазалнавис устоздан сўзбоши ёздириб келишим керакмикин?..”

Иброҳим ака ҳеч кутилмаган саволни берибди:

— Эркинжон, кепка кийиб тушган суратингиз борми?

— Кепка кийиб?! Ўрисларнинг кепкасини айтяпсизми?

— Ҳа, оддий, ўрисларнинг бош кийими — кепка кийиб тушган суратингиз. Бўлмаса, кепка топиб, суратга тушиб келасиз. Ғазалларингизга уни ҳам қўшиб босиб чиқарамиз.

— Бўпти, мен розиман, Иброҳим ака. Лекин нимага кепка?

— Ҳа, тушунмаган шоир. Улар босилгач, юқори ташкилотлардан бизга дакки беришадиган бўлса, “миллатчилик” дебми, “шовинизм” дебми, кепка кийган суратингизни уларга рўкач қиламиз: “Мана, кўринг, ўзи ғирт замонавий ёшлардан, комсомол, бунинг устига, қаранг, бошида миллий кийим — дўппи эмас, кепка”, — деймиз. Қарабсизки, ўзимизни ҳимоя қиламиз”.

Ҳа, азизлар, шундай кунларни ҳам бошдан кечирганмиз. Бугун эса дўппи кийган одамлар сийловда, эъзозда. Уларни миллат қадриятларини авлоддан-авлодга ташиётган валломатлар сифатида барча ҳурмат қилади. Аниқ бир мисол: ўтган ой Туркманистон давлатининг пойтахти Ашхобод шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти оқсоқоллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда барча туркий тилли давлатлардан 5 нафардан оқсоқол иштирок этди. Ўзбекистон делегацияси таркибида “Нуроний” жамғармаси Сирдарё вилояти бўлимининг раҳбари Ўтбосар ҳожи Абдиев ҳам бор эди. Ўзбек тили байрами куни у киши билан Гулистон шаҳрининг “Билимдонлар маскани”даги ҳазрат Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида учрашиб қолдик. Ўтбосар оға Ашхободда рўй берган бир воқеани фахрланиб гапириб бердилар.

— Туркий давлатлар ташкилоти оқсоқоллар кенгашини Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов олиб борди, — дея таассуротларини сўзлай бошлади Ўтбосар оға. — Делегациямиз таркибида фақат мен дўппили эканман. Бир пайт Гурбангули Бердимуҳамедов менга тикилганча, қандайдир имо-ишора қилдилар. Аввалига гап нимада эканлигини тушунмадим. Камина ҳам бошимни сарак-сарак қилиб, ҳурмат бажо келтирдим-да, ишимни давом эттирдим. Гапнинг индаллоси кейин маълум бўлди. Кенгаш поёнида Гурбангули оға делегациямизнинг барча аъзоларига эсдалик совғалари инъом этдилар. Дўппим ҳурмати фақат каминага туркманча тўн ёпдилар. Ўша пайт ўзбеклигимдан фахрланиб кетдим. Хурсандчиликдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Тўғри-да. Ота-боболаримиз қадимда қишин-ёзин бошларига дўппи кийиб юришган. Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов бу ҳолни жуда яхши илғаб, тасаввур қилиб, “Ўзбегим” қасидасида чиройли баён этган:

Қайга бормай, бошда дўппим,
Ғоз юрарман гердайиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий либосларимизни тарғиб қилиш мақсадида турли тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Бу ўзлигимизни англашда яхшигина восита бўлаётир. Вилоятимизда 6 йил ҳоким лавозимида фаолият олиб борган Ғофуржон Мирзаев бир йили касб байрамимиз — Матбуот ва ОАВ ходимлари кунида барча сирдарёлик журналистларга ўзлари дўппи кийдириб чиққан эдилар. Шундан кейин Сирдарёда “дўппили журналистлар” кўпайиб қолган эди. Миллийликни тарғиб қилишда, айниқса, раҳбарларнинг ибрати муҳим аҳамият касб этишини ўшанда англаганман.

Алқисса, дўппи ўзбекни бошқа миллатлардан ажратиб турадиган миллий бош кийим. У ҳам 70 йил мобайнида токчаларда, сандиқларда чанг босиб ётди. Мустақиллик шарофати билан яна у бошларимизда пайдо бўлди. Шоир Азим Суюн “Ўзбек дўпписи ёки Ғафур Ғулом дўпписи ҳақида сўз” шеърида ёзганларидек:

О, бугун Ватаним озод, музаффар,
Ўз туғро, Байроғи, Мадҳияси ёр!
Каттаю кичиги — ёшида дўппи,
Жажжи Ғафурларин бошида дўппи.

Азим! Олам турли, одамзод турли,
Ўзбегим бошида дўппи мангулик!

Шоир битганидек: бошимиздаги дўппимиз ҳамиша бор бўлсин!

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



Суратда: *Сирдарё вилоятининг собиқ ҳокими Ғофуржон Мирзаев 2021 йил матбуот куни байрами арафасида сирдарёлик журналистларга дўппи совға қилган эди.*

САБОҚ

Эстрада хонандаси бўлиш осонми?



Етмиш ёш довони ҳазилакам эмас, ўтган йилларнинг қувонч-у ташвишлари бизни шу кунларга етказди, кўнгилда қониқиш ҳисси уйғонганидан шукурлар қиламан. Мактабдан сўнг олий ўқув юрти таълими, саҳналарни забт этиш, танловлардаги ҳаяжонлар ва ниҳоят, муносиб шогирдлар чиқариш...

Шогирдларим баъзида: “Неча йилдан бери куйлайсиз?” — деб сўрашади. “Ҳали тилим чиқмай туриб, ашула бошлаганман”, десам муболаға бўлмас, чунки оиламизда ҳар доим куй-қўшиқ янграган. Мен эса кичкинтойлигимда уларга жўр бўлишга ҳаракат қилган эканман. Ахир қуш уясида кўрганини қилади-да.

Менга айрим ёшлар: “Эстрада хонандаси бўлиш осонми?” ёки “Қўшиқ айтишдан олдин тухум ютасизми?” деб қизиқ саволлар беришади. Уларга жавобан: “Ёқимли иштаҳа”, дейман, холос. Агар овоз бўлмаса, куйлаш учун юзта тухумнинг ҳам кучи етмайди. Ҳар қандай соҳани эгаллашда осон йўл ахтариш ярамайди, чунки у кейинчалик пала-партиш ишлашга ўрганиб қолади. Эстрада хонандалигида ҳам ўзига яраша қоида, талаб ва қонунлар бўлиб, уларни ўзлаштириш учун анча машаққат чекиш лозим.

Кўпинча хонанданинг чиройли кийиниши, мухлисларнинг олқишлари остида саҳнага чиқиши, қизил йўлакчадан ўтиши ёшларнинг ҳавасини келтиради. Лекин улар саҳна ортидаги машаққатли меҳнатни тасаввур қилолмайди. Ҳатто қўшиқчининг саҳнага кўтарилиши ва ўзини рисоладагидай тутиши ҳам осон эмас. Томоша залида ўтирган юзлаб одамларнинг кўз ўнгида куйлаш нари турсин, ҳатто бир сўзни ёқимли айта олиш катта масъулият талаб қилади. Мен бир гал саҳнага чиққан ёш хонанда ҳаяжон зўридан юзи қизариб саҳнадан тушиб кетганига гувоҳ бўлганман.

Бўлажак эстрада хонандаси фаолияти фақат ҳаракатлар билангина эмас, балки табиий-физиологик талабларга ҳам боғлиқ. Яъни бу касб баъзи бир одатларни, жумладан, тамаки чекиш, спиртли ичимлик ичиш, айрим таомларни истеъмол қилишни чеклаши мумкин.

Хонанда куйлаётганида гавдасини ва ҳатто бошини тўғри тутиши муҳим. Чунки бош олдинга ё орқага эгилган, чап ё ўнг томон бурилган бўлса, овозни сиқиб қўйиши мумкин. Одатда, овоз ўпкадаги дам орқали тепа танглайга урилиб, ташқарига чиқади. Агар қўшиқчи гавдасини ножоиз тутса, овоз бўғиқ ёки хунук эшитилади.

Устозим биринчи дарсда машқларга ўтишдан олдин мен билан узоқ суҳбатлашиб, олдимга аллақанча талаблар қўйган эди. Масалан, неча соат ухлашим, кун тартибим, қандай жисмоний машқлар (фақат овоз учун эмас) бажаришим кераклигини тушунтирган. Ҳатто вокал дарсидан неча соат илгари тушлик қилишимгача айтган. Ахир жуда тўқ қорин билан қўшиқ айтиб бўлмайди-да.

Овоз, одатда, хонанда уйқудан уйғонганидан кейин уч соат ўтгач очилади. Вақти келмай куйлаш овоз пардаларига зиён келтириши мумкин. Шу боис наҳорги ошда куйлайдиган хонандаларга қойил қоламан. Устоз овозга зўр бермай суҳбатлашиш ва бақирмасликни алоҳида уқтирган.

Бўлажак хонанда ботиний эшитиш қобилиятига эга бўлмаса, унинг учун соҳага йўл ёпиқ деяверинг, чунки бундай камчиликни ҳеч бир нарса, ҳеч қандай машқ йўли билан тўғрилаб бўлмайди.

Қўшиқчи-шогирднинг ҳеч бўлмаганда кичик (бўлса ҳам) овози, усул, ритмни аниқ сеза олиш қобилияти бўлсин. Акс ҳолда, хонанда овози билан созанда чалаётган куй пойма-пой кетиб, уйғунлик яралмайди.

Яратганнинг мени уста ва моҳир, соҳанинг сир-асрорини яхши билган устоз Саид-Азим Муродхоновга рўпара қилганига шукур қиламан. У киши шогирдлар билан муносабатларда синчков, ғамхўр ва эҳтиёткор эди. Пианино ёрдамида овоз диапазонимни (даромад пардадан авж пардагача бўлган оралиқ) текшириб, овозимнинг қандай эканини таснифлаб (баритон ё тенор), сўнг шунга яраша имкониятимни авайлаб, аста пастки пардадан то юқори (жуда юқоримас) пардаларгача олиб чиқиб, сўнгра юқори пардадан яна пастки пардаларга йўналтирарди.

Устозим овозимни яхшилаб созлагандан сўнггина дарс дастуридаги ашулани куйлашга ўтардик. У киши ўқишнинг учинчи йили ўтмагунича мустақил куйлашга рухсат бермаган. Чунки шогирд дарсда ўзлаштирган кўникмаларни йўқотиши мумкин.

Ҳар бир вокал соҳасининг устози шогирднинг куйлашда қандай нафас олиш ва нафас чиқариш лозимлигини обдан тушунтиради, сўнг ижросини синчиклаб текширади. Чунки овоз ўпка ёрдамида ташқарига чиқади. Бундай овозни баъзан “қорин овоз” дейишади. Агар хонанда куйлаётганида нафас олиш йўли ва усулини яхши ўзлаштирмаган бўлса, овози ичида қолиб кетаверади. Мусиқа тарихидан маълумки, ҳатто баъзи буюк ижрочилар овоз кучининг эллик фоизигача ичида қолиб кетар экан. Жумладан, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Саттор Ярашев ва бошқа устозларимизнинг овозлари худди шундай кучли эканидан микрофоннинг кераги бўлмаган.

Бўлажак эстрада хонандаси миллий маданиятимизни, жумладан, унинг таркибидаги мусиқий меросни ўрганиши, ўзлаштириши керак. Мен учун болаликдан Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовларнинг куйлаш усуллари намуна бўлиб келган.

Биринчи устозим отам — Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов эди. Касбимнинг кўплаб кўникмаларини улардан олганман, миллий маданиятимиз тарихини ўрганганман. Уларнинг маслаҳат ва ўгитларидан бугунги кунгача фойдаланиб келаман. Жумладан, ўзбек халқ қўшиқларидан терма ясаб, жаз оркестри жўрлигида ижро этганман.

Падари бузрукворим институтни битирмагунимгача мени вокал-чолғу ансамблда куйлашимга қарши бўлган. Чунки овозим ҳали яхши етилмаган эди, ансамблга қатнашиб, юқори пардани олганда овоз пардаларимга зарар етказишим мумкин эканини тушунтирган.

Одатда, ёш қўшиқчилар ўз фаолиятини қайсидир ҳофизга эргашиб, тақлид қилиб, вақти келганида ўз йўлини топади. Ёшлик давримиздаги тенгдошларимнинг аксарияти, уларнинг орасида мен ҳам, Ботир Зокировга ўхшаб куйлашга ҳаракат қилардик.

Ўша вақтларда эстрада санъатига енгил жанр сифатида қаралиб, жиддий эътибор берилмаган. Бугунги кунда ёшларни эстетик ва ахлоқий тарбиялашда эстрада санъатининг аҳамияти муносиб баҳоланиб, уни ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунга биргина мисол сифатида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил этилишини кўрсатиш кифоя. Мен ушбу даргоҳда ёшларга сабоқ бериб, билим ва маҳоратимни шогирдларимга етказишга ҳаракат қилаяпман. Уларнинг ҳар бирига диққат-эътибор билан қарайман. Ёшларнинг овоз пардалари ўта нозик бўлгани сабабли озгина ножоиз тарбия уларнинг келажагига зарар етказиши ҳеч гап эмас.

Албатта, шогирдларимнинг муваффақияти мени қувонтирмай қўймайди. Собиқ шогирдларимнинг аксарияти ҳозир турли ўқув масканларида ёшларга сабоқ беришмоқда. Жумладан, истеъдодли шогирдим Севара Тўланова Чехиянинг Прага шаҳрида ўтказилган “Diamond voice” халқаро кўрик-танловида гран-при, Қозоғистоннинг Астана шаҳрида бўлган Роза Багланова номидаги халқаро кўрик-танловда учинчи ўрин, Беларуснинг Витебск шаҳрида, халқаро “Славянский базар” фестивалида махсус мукофот, Ботир Зокиров номидаги Республика кўрик-танловида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Энг муҳими, унинг Юртбошимизнинг қўлидан “Келажак бунёдкори” медалини олишга сазовор бўлгани ғоят қувонтирди.

Ҳозир яна бир неча шогирдларимни халқаро ва республика миқёсидаги танловларда иштирок этишга тайёрлаяпман.

Мансур ТОШМАТОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
Ўзбекистон давлат филармонияси жаз оркестрининг бадиий раҳбари.

ТИББИЁТ

“ТЕЗ ЁРДАМ”НИНГ ТЕЗКОР ИШЛАРИ

Тез тиббий ёрдам — инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавфли ҳолатлар рўй берганда туну кун шифохонагача кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури ва тизими. Илк бор тез тиббий ёрдам 1918 йил Тошкент шаҳрида пункт сифатида ташкил этилиб, 1926 йил мустақил тез тиббий ёрдам станциясига, 1974 йил тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси билан бирлаштирилиб, бўлимга айлантирилган. 1983 йилга келиб мустақил шаҳар тез ва шошилинч тиббий ёрдам станцияси деб аталди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази сифатида эса 2001 йил 1 майдан фаолият кўрсата бошлаган.

Тез тиббий ёрдам машиналари радиолаштирилган бўлиб, икки томонлама телефон алоқаси билан таъминланган, нафас ва наркоз бериш жиҳозлари, кислород ингаляторлар, электрокардиограф ва бошқа зарурий ускуналар билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июнда имзоланган “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 283-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автохўжаликлар негизида ташкил қилинди ва тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди.

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида ситуацион мувофиқлаштирувчи бўлимлар ташкил этилган бўлиб, туман (шаҳар) ва ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини таҳлиллар асосида ўрганиб боришда ва амалга оширилиши керак бўлган ишларни режалаштиришда ёрдам бермоқда.

Биргина Жиззах вилояти мисолида айтадиган бўлсак, тез ёрдамнинг Жиззах филиалида фуқаролардан тушадиган мурожаатларни қабул қилиш учун Тошкент шаҳри андозаси асосида махсус “Call-марказ” ташкил этилган. “Call-марказ” ишини автоматлаштириш борасида БИПРО фирмаси маҳсулоти бўлган “Меддата” дастури билан таъминланди.

“Меддата” тизими чақириқларни ўз вақтида қабул қилиб,



бажарилишида қулайликлари билан ходимларнинг ўз ишларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартирди. Шунингдек, мазкур тизим ҳар бир ходимнинг индивидуал қанча чақириқ қабул қилганини кўриш ва сифатини аниқлаш, ҳисоботларни осон шакллантириш имконини бермоқда.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 126 та тез ёрдам бригадалари мавжуд бўлиб, барча автотранспорт воситаларига “GPS трекер” ўрнатилди, бу эса тушган чақириқларга бригаданинг қай даражада яқинлигини кўриш имконини яратди. Натижада тушган чақириқ яқин турган бригадага узатилади ва бу бир қанча кечикишларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Энг муҳими, тез ва сифатли биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун замонавий хизмат шакланди. Энди бир пайтлардагидек, соатлаб ёки ярим соатлаб бемор “тез ёрдам”ни кутмайди. Ўз вақтида кўрсатиладиган тиббий хизмат эса – одамлар ҳаётини Аллоҳнинг иноят ила сақлаб қолиш имконини оширади.

Дурдона ЖАББОРОВА,
Республика тез тиббий ёрдам маркази Жиззах филиали шифокори.

Hurriyat Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 109
Буюртма — Г-1144

Топширилиш вақти — 21[00]
Топширилди — 22[10]

1 2 3 4 5 6

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.